

12-sentyabr
2024-yil 37 (1087)



A X X R

IJTIMOIIY - SIYOSIIY GAZETASI

САЙЛОВ - 2024

ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
САЙЛОВИГА



КУН ҚОЛДИ

© 21asr.uz © XXI_asr@mail.ru © @XXIasr_yangiilkilari © XXIasrgazetasi © asr_xabarlarlari_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

ВАЪДА ЭМАС - НАТИЖА, ЭРТАГА ЭМАС - БУГУН!

ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ҚУДРАТЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ!



**ПОЙТАХТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ —
ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ I КОНГРЕССИ БЎЛИБ ЎТДИ**



**О'ZLiDeP СИЁСІЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ РАИСИ АҚТАМ ХАЙТОВНИНГ
ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ —
ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
I КОНГРЕССИДАГИ МАЪРУЗАСИ**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳудудий кенгашларидан сайланган делегатлар, Сиёсий Кенгаш, Марказий тафтиш комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзолари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Анжуман кун тартиби, регламенти ва ишчи органлари маъқуланганидан сўнг партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хайтов ўтган 5 йиллик фаолият таҳлили, истиқболдаги режалар, шунингдек, муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа – бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ишлар хусусида атрофлича маъруза қилди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар юртимиз қиёфасини ўзгартириб юборди, – деди жумладан нотиқ. – Халқимиз турмуши юксалиб, қишлоқ, маҳалла, туман ва шаҳарларимиз обод ва кўркем бўлиб бормоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир инсон бу ўзгаришларни ўз ҳаётида ҳис қилмоқда. Мамлакатимиздаги янгиланишлар жаҳон ҳамжамиятининг ҳам эътиборини тортмоқда. Нуфузли халқаро ташкилотлар, сиёсатчилар ўзининг ҳолис ва ижобий

бахосини бермоқда. Давлатимиз раҳбари бутун халқимиз ва халқаро экспертлар томонидан мамлакатимизнинг янги қиёфасини яратувчи, Янги Ўзбекистоннинг меъморли сифатида эътироф этилмоқда.

Демократик ислохотларнинг муҳим кўриниши бу сайлов эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Сайлов тизимимизнинг дунёдаги илғор тажрибалар асосида такомиллашиб бораётгани ҳам кенг миқёсда ижобий баҳо-ланмоқда.

Сайловларнинг аҳамияти нақадар катталигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Чунки мамлакатимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловнинг барча иштирокчилари фаоллиги, сиёсий етуқлиги ва пировард натижада электорат қабул қилдиган қарорга боғлиқ. Ҳар бир фуқаро ўз тақдирини, орзу-истакларини рўйбга чиқиши учун овоз беради. Ушбу сайлов “Менинг танловим – обод Ватаним” шиори остида старт олганида ҳам улкан маъно-мазмун мужассам.

Сайлов кодексига киритилган ўзгаришларга мувофиқ аралаш тизимда ўтказилаётган навбатдаги сайловда сайловчилар парламент депутатларининг бир қисмини партияларнинг номзодлар рўйхатига овоз бериш орқали сайлайдилар ва қолган мандатлар мажоритар тартибда, алоҳида номзодларга овоз бериш орқали тақсимланади.

Янгича асосда ўтаётган сайлов тизимида муваффақиятга эришиш учун партия-

миз мослашувчан, кўп йўналишли ва стратегик ёндашувни қўллаш керак. Бу тизим бизни ҳам маҳаллий, ҳам миллий даражада фаол бўлишга ундайди ва маҳоратимизни синовдан ўтказиши.

Конгрессда қайд этилганидек, партия аъзолари сони 2020 йил бошидаги 745 минг нафардан деярли икки баробарга ортиб, ҳисобот даврида 1 миллион 600 мингга етди. Натижада бугун О'zLiDeP энг кўп сонли аъзолар ва тарафдорларига эга бўлган, фаровон ҳаётни таъминлашда етакчи ўринга эга халқчил сиёсий кучга айланди.

Ҳисобот даврида О'zLiDePнинг энг ёрқин ташаббусларидан бири сифатида Конституцияимизни ислоҳ қилиш ғояси билан сиёсий майдонга чиққани ва фаол иштирок этганини эътироф этилди. Конституциядаги янги нормалар “инсон – жамият – давлат” концепциясига қатъий амал қилинган ҳолда тайёрланди.

Парламентдаги О'zLiDeP фракцияси депутатлари партия сайловолди дастурини мақсад ва ғояларини амалга оширишга қаратилган 200 дан ортиқ қонунлар қабул қилинишида фаоллик кўрсатишди. Шу билан бирга 41 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фракция депутатлари ташаббускор бўлишди. Хусусан, Солиқ, Божжона, Ер ва Шаҳарсозлик кодекслари янгича бизнес муҳитини рағбатлантирадиган нормалар билан бойитилиб, янада либераллаштирилди.

2

Ҳурматли конгресс қатнашчилари!
Азиз меҳмонлар, хонимлар ва жаноблар!

Партияимизнинг 2019 йилдаги сайловолди дастури ижроси ва келгуси беш йиллик учун дастуриимизнинг асосий йўналишлари ҳақида ахборот беришга ижозат берасизлар.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ўзгаришлар юртимиз қиёфасини ўзгартириб юборди. Халқимиз турмуши юксалиб, қишлоқ, маҳалла, туман ва шаҳарларимиз обод ва кўркем бўлиб бормоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ислохотларнинг бевосита иштирокчиси бўлиб, ўзгаришларни ўз ҳаётида ҳис қилмоқда. Мамлакатимиздаги ўзгаришлар дунё ҳамжамиятининг ҳам эътиборини тортмоқда.

Нуфузли халқаро молиявий-сиёсий ташкилотлар, сиёсатчилар ўзининг ҳолис ва ижобий баҳосини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги томонидан мамлакатимизнинг бугунги янги қиёфасини яратувчи, Янги Ўзбекистоннинг меъморли сифатида эътироф этилмоқда.

Демократик ислохотларнинг муҳим кўриниши бу сайловлардир, сайлов тизимимизнинг дунёдаги илғор тажрибалар асосида такомиллашиб бораётгани ҳам халқаро даражада ижобий баҳо-ланмоқда.

Сайловларнинг мамлакатимиз ижтимоий-

сиёсий ҳаётидаги аҳамияти нақадар катталигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу боис бугунги йиғилишимизни тарихий конгресс десак, сира муболага бўлмайди. Чунки мамлакатимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловнинг барча иштирокчилари фаоллиги, сиёсий етуқлиги ва пировард натижада сайловчилар қабул қилдиган қарорга боғлиқ. Ҳар бир фуқаро ўз тақдирини, орзу-истакларини рўйбга чиқиши учун овоз беради. Ушбу сайлов “Менинг танловим – обод Ватаним” шиори остида старт олгани ҳам бежиз эмас.

Сайлов кодексига киритилган ўзгаришларга мувофиқ аралаш тизимда ўтказилаётган жорий йилги сайловда сайловчилар парламент депутатларининг бир қисмини партияларнинг номзодлар рўйхатига овоз бериш орқали сайлайдилар ва қолган мандатлар мажоритар тартибда, алоҳида номзодларга овоз бериш орқали тақсимланади.

Янгича асосда ўтаётган сайлов тизимида муваффақиятга эришиш учун партияимиз мослашувчан, кўп йўналишли ва стратегик ёндашувни қўллаш керак. Бу тизим бизни, ҳам маҳаллий, ҳам миллий даражада фаол бўлишга ундайди ҳамда сиёсий бардошлилигимиз ва маҳоратимизни синовдан ўтказиши.

2-3

МАҲОРАТ, МАТОНАТ ВА МЕТИН ИРОДА

ТУФАЙЛИ ЎЗБЕКИСТОН ПАРАЛИМПИАЧИЛАРИ ДУНЁНИ ЛОЛ, ҲАҚАМУ МУТАХАССИСЛАРНИ ҲАЙРОН,
СПОРТ СОҲАСИДАГИ ТАҲЛИЛЧИ ВА ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ҲАЙРАТДА ҚОЛДИРГАНИ ХУСУСИДА



5

8

ШАРАФЛИ МЕҲНАТИНГИЗ ҚАДР ТОПДИ, ШАРОФАТ ОПА!

Энг улғу, энг азиз байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 33 йиллик қутлуг байрами арафасида Президентимиз фармониغا биноан Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги “Гулчи опа томорқа хизмати” кластери раҳбари Шарофат Нориевага “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвони берилди!



ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ҚУДРАТЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ!

ЎзLiDeP СИЁСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ВА ЛИБЕРАЛ-

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Партия сайловолди дастуридан алоҳида ўрин олган бизнес юритиш учун қўшимча қўлайликлар яратувчи ва ҳуқуқий кафолатларни таъминловчи Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилди.

Парламент назоратини амалга оширишга катта эътибор қаратилиб, ушбу институт имкониятларидан самарали фойдаланилди. 12 мартаба “Ҳукумат соати”, 6 марта “Парламент эшитиш” ўтказилган баробарида 11 марта тегишли вазирлик ва идораларга “Парламент сўрови” юборилиб, улар бўйича тегишли ахборотлар тингланди. Электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 730 та депутатлик сўровлари юборилди.

қучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш борасида камбағаллик кўламини икки қарра камайитиришни устувор вазифа сифатида кўяр экан, бунинг учун беш йилда камида 1 миллион фуқарони касбга ўргатиш, қўшимча 2,5 млн ўқувчи ўрнини яратган ҳолда таълим сифатини тубдан яхшилаш, тиббиётга ажратилмаган йиллик маблағлар ҳажминини 2 қарра ошириш, “Хар бир оила ўз уйига эга бўлсин” деган шиорни татбиқ қилган ҳолда 1 миллион хонадонли уй-жойлар қуриш каби ташаббусларни илгари сурмоқда.

ЎзLiDeP халқ хизматидаги адолатли, замонавий давлатни барпо этиш борасида давлат хизматларининг камида 300 тасини (40 фоизини) хусусий секторга ўтказиш ва

оила институтини қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар янги сифат босқичига кўтарилди.

Нуроний ва фахрийларимизни қадрлаш, ёш авлодни тарбиялашдаги фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш борасида ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилди. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлашга эътибор кучайди.

Қонун устуворлигини таъминлаш борасида адолатли суд тизимини ривожлантириш, инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқлари олий қадрияти сифатида бўлишини таъминлаш борасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилди. Бу борадаги

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Демократик ислохотлар натижасида сайловларда фикрини эркин айти оладиган, ижтимоий фаоллашган, бир сўз билан айтганда, очиқ ахборот маконидан фойдаланаётган сайловчилар қатлами шаклланди.

Маълумки, сайловчиларимиз ўз манфаати, бирор-бир масалага муносабатини мамлакатдаги сиёсий партия, унинг ғоя ва мақсадларини қўллаб-қувватлаш орқали билдиради. Шундан келиб чиқиб, бўлажак сайловда 1 млн 600 мингдан зиёд аъзоларимиз, асосий ғоя ва мақсадларимизга хайрихоҳ миллионлаб юртдошларимизга таянамиз.

Партияимиз ташкил топганига йигирма бир йил бўляпти. Шу давр мобайнида мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида етакчи партия сифатида салмоқли ютуқларга эришди, парламент ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда **тўрт қарра** етакчилик, устунлик мақомини қўлга киритди. Партияимиздан кўрсатилган номзодлар Президент сайловларида беш марта ғолиб бўлди. Хусусан, 2023 йил июлда бўлиб ўтган Президент сайловларида партияимиз номзоди, муҳтарам **Шавкат Миромонович Мирзиёевни** халқимиз яқдиллик билан қўллаб-қувватлади, юксак мақсадимизга эришдик. Биз, бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта.

Президентимизнинг сайловолди дастурини амалга оширишга масъул партия сифатида ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида – иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, янги технологияларни жорий қилиш, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилишда ижобий натижаларни қўлга кирита олдик.

Юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт, барча соҳаларда қўлга киритилган ижобий ўзгаришлар муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва муваффақиятли амалга оширилган стратегик мақсад ва вазифалар асосида, жумладан “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган амалий ишлар натижаси эканини эътироф этамиз.

Бугун, ЎзLiDeP Ўзбекистоннинг сиёсий саҳнасида энг кўп сонли аъзолар ва тарафдорларига эга бўлган, фаровон ҳаётни таъминлашда етакчи ролни ўйнайдиган **халқчил партияга айлана олди**.

Партияимиз мураккаб вазифаларни ўз зиммасига оладиган, мамлакатимиз ва халқимизнинг манфаатлари йўлида ҳаракат қилишга қодир **сиёсий куч сифатида** ўзини кўрсатмоқда.

Хисобот даврида ЎзLiDePнинг энг ёрқин ташаббусларидан бири **Конституцияимизни ислох қилиш** ғояси билан сиёсий майдонга чиққани ва фаол иштирок этганидир. Президентимиз ва халқимизнинг қўлловчи натижасида мамлакатимизни ривожлантиришнинг мустақкам ҳуқуқий пойдевори – янгиланган Конституция қабул қилинди.

Бунда либерализмнинг муҳим ғояси, инсон эркинлиги, унинг манфаатларини олий қадриятига олиб чикувчи янги нормалар **“инсон-жамият-давлат”** концепциясига амал қилинган ҳолда ишлаб чиқилгани, алоҳида эътиборга молик.

Қадрли делегатлар!

Ўтган беш йиллик фаолиятимиз сарҳисобида келиб чиққан ҳолда дастуридан кўзланган аксарият мақсад ва вазифаларни амалга ошира олдик, деб ишонч билан айти оламан.

Хусусан, ўтган сайловолди дастурида 5 та йўналишни қамраб, 200 дан ортиқ аниқ вазифаларни ўз ичига олган. Уларнинг аксарияти **тўлиқ бажарилди**.

Сайловолди дастурида белгиланган ғоялар ва ташаббуслар мингдан ортиқ Президент ва Ҳукумат қарорлари ва 400 дан ортиқ қонунларда ақс этганлиги **халқимизнинг партияимизга бўлган ишончинини янада мустаҳкамлади**.

Бир сўз билан айтганда, Сайловолди дастурида кўзланган мақсадларга эришимизда Хурматли Президентимиз бошчилигида ортга қайтмас тусга эга бўлган оқилона сиёсат ва Ҳукуматимизнинг кўмаклашувчи асос яратди.

Парламентдаги 53 нафар депутатдан иборат **фракцияимиз** аъзолари партияимизнинг сайловолди дастуридаги барча йўналишларга алоқадор бўлган, мақсад ва ғояларимизни амалга оширишга **ҳуқуқий асос сифатида** хизмат қилмаган қонунларни қабул қилишда фаол бўлишди (Хурматли делегатлар, Фракцияимиз фаолиятига доир тўлиқ хисобот сизларга тақдим этилган).

Хусусан, 2020-2024 йилларда Парламентимиз томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборган **404** та қонунларнинг ҳар бири фракцияимиз депутатлари томонидан атофликла муҳокама қилиниб, қўллаб-қувватланди.

Албатта, бу қонунларнинг кўпчилигини ишлаб чиқишда Президентимизнинг фармон ва қарорлари асосида Ҳукуматимиз ташаббускор бўлганлигини алоҳида эътироф этамиз.

Шу билан бирга, **41** та қонун лойиҳаси бевосита фракцияимиз депутатлари томонидан, шундан **24** та қонун лойиҳаси бошқа фракциялар депутатлари билан бирга ташаббус ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилди.

Хусусан, бизнес муҳитини яхшилашга қаратилган Солиқ кодексига ўзгаришлар киритиш, мулк ҳуқуқига доир муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи Фуқаролик кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари бевосита депутатларимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган.

Шунингдек, миллий ғурур ва ифтихоримиз

тимсоли бўлган давлатимиз байроғидан зарур хурматни таъминлаган ҳолда фойдаланиши муҳим бўлган ҳолатларни кенгайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси айнан фракцияимиз депутатлари томонидан ташаббус қилинган алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Парламентда фракцияимизнинг фаол иштироки асосида қабул қилинган қонунларнинг аксарияти электоратимиз манфаати учун хизмат қилади.

Хусусан, **Солиқ, Божхона, Ер ва Шаҳар-созлик кодекслари** янги ҳаётга таъминланган рағбатлантирадиган нормалар билан бойитилди, маъмурий ва иқтисодий жавобгарлик масалалари либераллаштирилди.

Партияимиз сайловолди дастуридан алоҳида ўрин олган **Тадбиркорлик кодекси** Ҳукуматимиз, Савдо-саноат палатаси ва бошқа ҳамкорлар билан биргаликда ишлаб чиқилди. Мазкур кодекснинг кучга кириши билан бизнес юритиш учун қўшимча қўлайликлар яратилади ва ҳуқуқий кафолатлар кучаяди.

Шунингдек, сайловолди дастуридаги эркин рақобатни рағбатлантирадиган “Рақобат тўғрисида”, “Давлат харидлари тўғрисида”, “Давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисида”, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунлар **тубдан такомиллаштирилди**.

Депутатларимиз уй-жой дахлсизлиги ҳамда ундан қўрилган зарарнинг қоплалишини кафолатлайдиган қонун лойиҳасини такомилга етказишда ҳам фаол бўлишди.

Шунингдек, “Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қўрилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Қонун билан қўлчилик кутаётган ва миллионлаб оилаларнинг ҳаётига дахлдор бўлган муаммо хал этилаётган бўлди. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши узоқ йиллар мобайнида одамларни қийнаб келган уй-жойга эга бўлиш борасидаги долзарб муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этиш асосини яратди.

Тадбиркорлик фаолияти кенгайтиришга хизмат қилмаган “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”, “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”, “Солиқ масалалари оид фаолият тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунлар кучга кирди.

Инновацион фаолият ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида “Инновацион фаолият тўғрисида”, “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Аграр соҳани ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтириш мақсадида “Томорқа ҳўжалиги тўғрисида”, “Органлик маҳсулотлар тўғрисида”, “Тўпроқни муҳофаза қилиш ва унинг унмудорлигини ошириш тўғрисида”ги янги қонунлар ишлаб чиқилди.

Ҳурматли конгрессимиз иштирокчилари!

Сайловолди дастуридаги муҳим вазифа бўлган **барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини ошириб бориш** борасида ижобий ўзгаришлар таъминланаётганини эътироф этамиз.

Ўзбекистон кейинги беш йилда жаҳондаги юқори иқтисодий ўсишни таъминлаб келаётган мамлакатлар рўйхатида олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ўтган беш йилликда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ҳажми қарий **икки баробарга** ошгани мамнуният билан қайд этилади. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 2019 йилдаги **1,6 минг доллардан 2,7 минг долларга** етгани ҳам ислохотларнинг аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилганнинг **яққол намунаси**дир.

Дастуридаги **иқтисодий эркинлик ва қўлай инвестициявий муҳитни яратишга** устувор аҳамият қаратилган эдики, бу борада ҳам хисобот даврида муҳим натижалар қўлга киритилди.

Давлатимиз раҳбари Нукус шаҳрида тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда жорий йилнинг олти ойида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳажми ўтган йилга нисбатан **2 қарра ўсиб, 14 миллиард долларга** етгани, бундай рақамлар 33 йиллик тарихимизда бўлмаганини алоҳида эътироф этиди.

Президентимиз ташаббуси асосида **тадбиркорлар кўни** эълон қилинди. Қўлай ишбилармонлик муҳити яратилгани, катта имтиёзлар берилгани натижасида **тадбиркорлар сони 2019 йилдагига нисбатан салкам тўрт баробарга ошди**.

2021 йилда “Дехқон ҳўжалиги тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур соҳада Президентимиз ташаббуслари билан охириги йилларда 250 минг гектардан ортиқ ер аҳолига деҳқон ҳўжалиги ташкил этиш учун танлов асосида ажратиб берилди. Натижада тадбиркорлик субъекти бўлган деҳқон мулкчилар сони **800 мингдан** ошди ва **икки миллиондан** ортиқ аҳолининг даромадли меҳнат билан банд бўлишига имкон яратилди.

Ҳурматли делегатлар, дастуридаги муҳим йўналиш бўлган **ижтимоий соҳани ривожлантириш**, аҳоли бандлигини таъминлаш, таълим сифатини ошириш, замонавий тиббиётни ривожлантириш борасида ҳам сезиларли натижаларга эришилди.

Ушбу мақсадларга ҳар йили давлат бюджетининг **салмоқли қисми** йўналтириб борилди. Хусусан 2023 йил якуни бўйича ижтимоий соҳага йўналтирилган бюджет маблағлари 2019 йилдагига нисбатан 2 қарра кўп бўлди.



Ўтган вақт мобайнида маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари ҳам фаол иш юритди. Улар томонидан 10 минг мартаба ҳудудий ижро органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, 53 мингдан зиёд депутатлик сўрови юборилди.

Конгресс иши давомида партиянинг келгуси беш йилликдаги муҳим стратегик ҳужжати бўлган янги Сайловолди дастури лойиҳаси муҳокама қилинди. Алоҳида таъкидланганидек, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тўлиқ амалга ошириш маъсулиятини зиммасига олган етакчи сиёсий куч сифатида парламент сайловларига 5 мақсад – 500 вазифани ўз ичига қамраб олган янги дастур билан кириб бормоқда.

ЎзLiDeP “Эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни биргаликда қурашимиз” шиори остида барқарор иқтисодий ўсиш орқали ҳар бир инсон, оила ва жамият фаровонлигига эришишни асосий мақсад этиб белгиланган.

Партия Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида қисқа вақт давомида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжмандларга кўмаклашиш, очиқлик сиёсатини юритиш, мамлакат иқтисодиёти ва халқаро нуфузини ошириш бўйича тарихий эълотлар амалга оширилганлигини эътироф этган ҳолда бу борадаги ишларни изчил ва қатъий давом эттириш жонажон Ўзбекистонни юксалтиришнинг ягона тўғри йўли, деб ҳисоблайди.

ЎзLiDeP мана шу улғуров йўлда янада қатъий бўлиб, давлатимиз раҳбарининг партия XI съездида эълон қилган Сайловолди дастури ҳамда “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” стратегиясини тўлиқ амалга ошириш маъсулиятини зиммасига олган етакчи сиёсий куч сифатида бундан буён ҳам фаол ҳаракат қилади.

Иқтисодий йўналишда либерал тамойилларга асосланган эркин бозор муносабатларини қўллаб-қувватловчи ташаббусларга содиқ қолган ҳолда, бизнес юритишнинг янада соддалаштириш, лицензиялар сонини 2 бараварга қисқартириш, мингга яқин бюрократик талабларни бекор қилиш, солиқ маъмуричилигини соддалаштириш, тадбиркорлар учун солиқ тўлашда адолатли шартлар яратиш каби вазифаларни белгилаб олмақда.

Шу билан бир қаторда, янги Сайловолди дастурида мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажминини 2030 йилга бориб 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадини эса 4 минг долларга етказиш, саноатда қўшилган қиймат ҳажминини 45 млрд долларга етказиш ва 2,5 млн юқори даромадли иш ўринларини яратиш, келгуси 5 йилда иқтисодиётда нодавлат сектор улushiни 85 фоизга етказиш бўйича аниқ вазифалар ҳам ақс этган.

Партия сифатли таълим, тиббиёт ва

фуқароларнинг шахсий иштирокини 2 баробарга қисқартириш, маҳалларни “бир қадам” тамойили асосида фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этиладиган масканга айлантириш, тадбиркорлар фаолиятига белгиланган ҳоллардан ташқари аралашгани учун мансабдор шахслар жавобгарлигини кучайтириш масалалари ҳам дастурда кўзда тутилган.

Делегатлар янги Сайловолди дастури лойиҳасини маъқуллашди ва унинг ижросини таъминлашда фаол иштирок этишга тайёр эканликларини билдиришди.

Конгрессда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловида фаол иштирок этиш масалалари муҳокама қилинди. Зеро, номзодларни кўрсатиш жамаини партиянинг келгуси фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга. Бу борада қабул қилинган қарорлар партиянинг сайловлардаги муваффақиятини белгилайдиган омиллардан бири ҳисобланиши қайд этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига бир мандатли округлар (мажоритар тизим) бўйича 75 нафар, партиявий рўйхат (пропорцияли тизим) бўйича 100 нафар номзод кўрсатилди.

Номзодларнинг 43 фоизи аёллардан иборат бўлиб, 175 нафар маслак дошимизнинг барчаси олий маълумотга эга. Уларнинг 63 фоизини тадбиркор ва фермерлар, иқтисодиёт соҳаси вакиллари, 25 фоизини фан, таълим, маданият ва ижтимоий соҳа вакиллари, 12 фоизини ҳуқуқшунослар ташкил этади. Шунингдек, номзодларнинг 19 нафаридан фан номзоди (PhD) ва 12 нафаридан фан доктори (DSc) илмий даражаси мавжуд.

Конгрессда маълум қилинганидек, номзодлар ҳақидаги ҳужжатлар белгиланган тартибга мувофиқ Марказий сайлов комиссиясига рўйхатдан ўтказиш учун топширилди.

Анжуманда сўзга чиққан фаоллар ЎзLiDeP сайловолди ташвиқотида тубдан янги ҳаётда яшашнинг кўзда тутилган стратегия доирасида халқнинг ичига янада фаолроқ кириб бориш, уйма-уй юриш, ҳар бир сайловчига партия ғояларини шахсан етказишни мақсад қилиб қўйган. Дикқатга сазовор жиҳати шундаки, демократик ислохотлар натижасида сайловларда фикрини эркин айти оладиган, ижтимоий фаоллашган, бир сўз билан айтганда, очиқ ахборот маконидан фойдаланаётган сайловчилар қатлами шаклланди.

Шу билан бирга, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, орзу-истакларини рўёбга чиқариш учун шартлар яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш,

кодекс ва қонунлардаги тааллуқли нормалар ўзгарди.

Янги Ўзбекистон – хавфсиз ва тинчликсевар давлат тамойили амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари бошчилигида кўшни ва қардош давлатлар, яқин ва узоқ мамлакатлар билан Ўзбекистон манфаати устуворлиги эътиборга олинганлиги учун ҳам тизимли ва пухта ўйланган оқилона сиёсат ўз натижаларини бермоқда.

Конгрессда алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимиз суверенитети ва хавфсизлигини қарорлаш учун очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсатни давом эттириш, ватандошлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва мигрантлар ҳуқуқларини, миллий хавфсизликни таъминлаш асосий мақсад бўлиб қолаверади. Партия ташқи сиёсатда кўшни давлатлар билан яқин қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланишини тўла қўллаб-қувватлайди.

Жаҳондаги ҳозирги мураккаб шaroитда сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимизнинг худудий яхлитлигини таъминлаш ва мудофаа салоҳиятини юксалтириш муҳим вазифалардан биридир. Юртимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, фуқароларимизни турли мафтунавий таҳдидлар, зарарли оқим ва ғоялардан ҳимоя қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтмаган навбатдаги сайловда муваффақиятли иштирок этиш ва кўзланган натижаларга эришиш учун сиёсат майдонидан жуда кенг имкониятлар, либерал-демократларда эса етарли куч, тажриба ва салоҳият бор.

Бинобарин, ЎзLiDeP ислохотларининг янги босқичида ҳам мамлакатдаги сиёсий жараёнларга ўз таъбирини сақлаб қолиши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаолликни оширишга муносиб ҳисса қўлишига тайёр.

Ишончимиз комилки, партияимиз аъзолари, бизни ҳар томонлама қўллаб турган кўп сонли электорат вакиллари билан бирга кўзланган маррага албатта эришади. Чунки биз “Ваъда эмас – натижа, эртага эмас – бугун!” шиорига қатъий риоя этган ҳолда ҳаракат қиламиз.

Конгресс ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини, ЎзLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси Абдулла Арипов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Кўтаринки кайфият ва ғалабага ишонч руҳида ўтган анжуман давомидан кун тартибда муҳокама қилинган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзLiDeP матбуот хизмати

Суратларни Сардор АМИНЖОНОВ олган.



КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ РАИСИ АКТАМ ХАЙТОВНИНГ ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ І КОНГРЕССИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Мазкур йўналишда муҳим қонунлар ҳам қабул қилинди. Жумладан, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси, “Педагогнинг мақоми тўғрисида” “Аҳоли бандлиги тўғрисида”, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”, “Таълим тўғрисида” ва бошқа бир қатор қонунларни ишлаб чиқишда фракциямиз депутатлари фаол иштирок этди.

Бюджетнинг очиклиги ва аҳоли иштирокчини таъминлаш борасида **“Ташаббусли бюджет”** лойиҳаси алоҳида ўрин тутмоқда. Ушбу лойиҳа орқали давлат бюджетидан ажратилган **13,5 трлн** сумдан ортиқ маблағлар аҳолининг ўзи томонидан жойлардаги **15 мингдан** ортиқ муаммоларни ҳал этишга имконият яратди.

Шу билан бирга, ўтган беш йилда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни орзу-истакларини рўйга чиқариш учун шароитлар яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, оила институтини қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар янги сифат босқичига кўтарилди.

Нуроний ва фахрийларимизни қадрлаш, ёш авлодни тарбиялашдаги фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш ва бундан ташқари мазмуни ўтказиш борасида ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Ижтимоий соҳадаги ислохотлар натижасида **500 мингга** яқин янги хонадонлар фойдаланишга топширилди, мактабларда **700 мингга** яқин янги ўқувчи ўринлари яратилди, **50 мингдан** ортиқ қатнов қувватига эга бўлган поликлиникалар, **27 минг** ётоқ ўрнили шифохоналар ишга туширилди.

Дастуриимизнинг муҳим йўналиши – қонун устуворлигини таъминлаш, давлат хизматларининг самарадорлигини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Конституцияда ўзбекистонга **ҳуқуқий давлат** деган таъриф берилди ва шу асосда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар **уч баробар** кўпайди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда **“давлат хизматчиси аввало халқ хизматчиси бўлиши шарт”** деган ғоя асосида юқори натижадорликка йўналтирилган давлат бошқаруви тизимини яратишга киришилди. Хусусан 2022 йилда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди, мазкур қонунни ишлаб чиқишда фракциямиз депутатлари фаол бўлишти.

Рақамлаштириш орқали **бюрократияни бартараф** этиш тамойили ҳаётимизга жадал кириб бораётти.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш эътибор кучайди.

Қонун устуворлигини таъминлаш борасида **адолатли суд тизимини ривожлантириш**, инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқлари олий қадрли сифатида бўлишини таъминлаш борасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилди. Бу борадаги тааллуқли кодекс ва қонунлардаги нормалар ўзгарди.

Янги Ўзбекистон – хавфсиз ва тинчликсевар давлат тамойили амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари бошчилигида кўшни ва қардош давлатлар, яқин ва узок мамлакатлар билан Ўзбекистон манфаатини устувор этиб, тизимли ва пухта ўйланган оқилона сиёсат ўз натижаларини бермоқда.

Ҳурматли тadbиримиз иштирокчилари!

Партияимизнинг ўтган даврдаги фаолиятида қонун ижодкорлиги, дастурий мақсадларини амалга оширишдаги фаол иштирокимиз билан биргаликда **таъсирчан парламент назоратини** амалга оширишга катта эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, ўтган даврда фракциямиз томонидан 29 маротаба Парламент назорати, 12 маротаба “Хукумат соати”, 6 марта “Парламент эшитиши” ўтказилган баробарида 11 марта тегишли вазирлик ва идораларга **“Парламент сўрови”**, 730 та депутатлик сўровлари юборилди.

Ўтган вақт мобайнида Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз ҳам фаол иш юритди. Улар томонидан ҳудудий ижро органлари раҳбарларига юборилган **53 мингдан зиёд депутатлик сўровининг** 81 фоизи ижобий ҳал қилинди.



ўнг-марказ партия сифатида намоён эътиятти.

Энди 2024-2029 йилларга мўлжалланган янги сайловолди дастуриимизга тўхталсак.

Сайловолди дастуриимиз Президентимизнинг **“Барчамиз биргаликда келажакка ишонч билан интилиб, бутун диққат-эътиборимизни олдимизда турган вазифаларни ҳал этишга қаратганимиз, халқимизни кутаётган, даврнинг ўзи талаб этаётган янги ғоя ва ташаббусларни илгари суришимиз лозим.”** – деган улуғвор сўзларига асосланиб тайёрланди.

Бош шiorимиз – “ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ҚУДРАТЛИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БИРГАЛИКДА ҚУРИШ!”

Мазкур дастур лойиҳаси йирик бошланғич партия ташкилотлари, туман, шаҳар ва ҳудудий кенгашларимизда муҳокама қилиниб, аниқ тақлифлар билан бойитилганлигини инобатга олиб дастуриимизнинг асосий йўналишларига қисқача тўхталиб ўтаман. Сайловолди дастуриимиз барча делегатларимиз ва меҳмонларимизга тарқатилган.

Сайловолди дастуриимиз 5 муҳим йўналишда 500 вазифани ўз ичига олган.

Биринчидан, “Ўзбекистон – 2030” Стратегиясида белгиланган барқарор иқтисодий ўсish орқали ҳар бир инсон, оила ва жамият фаровонлигига эришиш бош мақсадимиз бўлади.

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар учун янада қулай муҳит яратиш орқали уларнинг сонини келгуси беш йилда 2 баробарга ошириш учун иш олиб борамиз.

Хусусий мулк дахлсизлиги борасида конституциявий кафолатларга риоя этилиши эътиборимиз марказида бўлади.

Дастуриимизда **солиқ маъмуричилиги** тизимини соддалаштириб, **солиқ тўлашда адолатли шароит яратиш**, бизнес юритиш учун лицензия ва рухсатномаларни қисқартириш назарда тутилган.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини сув ҳўжалиги, экология, энергетика ва бошқа соҳаларида кўпайтириш, давлат харидларининг шаффофлиги ва хусусий сектор учун қулайлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратамиз.

Ўзбекистонни **инвестициялар** учун янада қулай маконга айлантиришга қаратилган ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди.

Тadbиркорларимизнинг ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, жумладан **Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши** жадаллаштириш борасидаги Ҳукуматимиз сайё-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз.

ёҳлик индустриясини кенгайтириш, “Агротуризм – 2030” стратегиясини ишлаб чиқиш, Оролбўйида экотуризмни ривожлантириш дастуриимиздан ўрин олган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Қишлоқ хўжалигида **суғурталаш** тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштирамиз. Органик маҳсулот етиштираётган фермер хўжаликлари учун солиқ имтиёзларини жорий этишни тақлиф этамиз.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ҳақиқий бозор активига айлантириш, ижара ҳуқуқини бўлиб сотиш, ундан гаров предмети сифатида фойдаланишнинг қонуний базисини такомиллаштирамиз.

Рақамли иқтисодиёт, инновацияларни ривожлантириш, сунъий интеллектдан унумли фойдаланишни рағбатлантирувчи ҳуқуқий ва молиявий шароитларни яратишни тақлиф қиламиз.

Дастуриимизда **камбағалликка қарши кураш** масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Давлатимиз раҳбарига Ҳукуматимизнинг камбағалликни қисқартириш борасидаги ишларини ҳар томонлама тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг учун ҳар йили камида **500 миң барқарор иш жойлари**, **бир миллион оила азсosisга даромадли меҳнат** учун шароит яратиш, мономарказлар ва нодавлат таълим муассасалари орқали **касб-хўнарга ўқитиш** кўламини беш баробарга ошириш, **бир миллион фуқарони меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга ўрта** тизим назарда тутилмоқда. Натижанда, **ишсизлигини мумкин бўлган энг паст даражасига туширамиз.**

Ички ва ташқи меҳнат миграцияси қулай ва хавфсиз бўлиши диққат марказимизда бўлади. Бу борада, хорижга ишлаш учун бораятган фуқароларни касбга ва чет тилларга ўқитиш кўламини кенгайтириш, улар учун қўшимча шароитлар яратиш назарда тутилмоқда.

Ижтимоий тadbиркорлик соҳасидаги фаолият учун молиявий пакетлар, жумладан мол-мулк ва ер солиғидан имтиёзлар жорий этиш, оғир вазиятга тушиб қолганлар учун кафолатланган тарзда кредит таътиллари бериш борасида тақлифлар илгари сурилади.

Иқтисодий мақсад – янгиланган Конституциямизга мувофиқ Ўзбекистоннинг **“иқтимоий давлат”** сифатида эълон қилинганлиги зиммамизга катта масъулият оқлайди. Ҳар бир **инсоннинг**, ёшларимизнинг салоҳиятини оширишга қаратилган сифатли таълим, ишончли тиббиёт ва манзилли ижтимоий ҳимояни таъминлаш диққат марказимизда бўлади.

Кейинги беш йилда фарзандларимизнинг **мактабгача таълим** билан қамров даражасини **100 фоизга** етказиш, **педагог ходимларнинг** ўртача иш ҳақини 2 баробар ошириш чораларини кўриш, нодавлат мактабларни кўпайтириш учун қўшимча рағбатларни жорий этиш вазифалари дастуриимиздан ўрин олган.

Профессионал таълим тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, 2030 йилгача битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш кўламини **50 фоизга** етказиш назарда тутилган.

Илм-фанга йўналтирилган маблағларнинг ЯИМдаги улушини 2030 йилга бориб **10 баробаргача** ошириш тақлиф этилади.

Тиббиёт соҳасида 2030 йилга қадар ажратиладиган йиллик маблағлар ҳажминини 2 қара ошириш, тиббий суғурта тизими тўлақонли жорий этиш, нодавлат тиббиёт муассасаларининг рухсат бериш ва лицензиялаш тартибини соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Дастуриимиздан фуқароларни **мақбул уй-жой билан таъминлаш**, хусусан зарур маблағларни йўналтирган ҳолда ва хусусий секторни кенг жалб этиб, **бир миллион хонадонли уй-жойлар** қурилиши ўрин олган.

Амалиётда ўзини оқлаган **“Обод қишлоқ”** ва **“Обод маҳалла”** дастурларини янгида мазмун билан давом эттириш тарафдоримиз.

Ижтимоий ҳимоянинг манзиллилиги ва натижадорлиги эътибор қаратамиз. Ногиронликни белгилаш жараёнларини янада соддалаштиришни тақлиф этамиз.

Даромади нисбатан кам бўлган аҳоли тоифаларини манзилли қўллаб-қувватлаш, хусусан маош олувчи фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдори 3 баробаргача (3 миллион 150 миң) даромад солиғидан озод этиш ташаббусини илгари сурамаи.

Электр истеъмоли бўйича ижтимоий нормалар мавсумийлик, хонадон ҳисоби ва ижтимоий ҳимоя реестрига кирганлик мезонлари асосида ўрнатилишини тақлиф этамиз.

Мамлакатимизда **спортга** берилаётган эътиборнинг яққол намунасини бу йилги Париж олимпиадасида спортчиларимизнинг ютуқлари бутун дунёга кўрсатди. Уларнинг вакиллари, бизнинг қаҳрамонларимиз ҳам анжуманимизда

иштирок этишмоқда. **Келинг, уларни ҳам олқишлаб қўялик!**

Партияимиз дастурида спортни ривожлантириш ва оммавийлигини таъминлаш устувор вазифа бўлиб қолади.

Дастуриимизда **ёшлар учун мақбул иш ўринлари яратиш**, тadbиркорлигини қўллаб-қувватлаш, хусусан ўз бизнесини ижарага олинган бинода бошлаётган ёшларимизга бир йиллик ижара харажатининг ярмини қўллаб бериш, улар учун уй-жойлар қуриш ва имтиёзли ипотека тизимини кенгайтириш тарафдоримиз.

Дастуриимизда **хотин-қизларни** жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, тadbиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишсиз қолган ёш болали аёлларни ишсизликдан суғурталаш тизимини жорий қилиш масалалари ҳам кўзда тутилган.

Кескалар соғлигини тиклаш, мазмуни дам олиши ҳамда фаровонлиги доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!
Учинчи мақсад – аҳолига қулай атроф-муҳит шароитларини яратиш масалалари ҳам дастуриимиздан ўрин олган.

Сув кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилишини жадаллаштирамиз.

Барча экин майдонларида **сув тежовчи технологияларни** жорий қилган **фермерлар** харажатининг **эллик фоизини қўллаб беришни** тақлиф этамиз.

Дастуриимизда **яшил энергетикани** кўпайтиришга устувор аҳамият берилган. Республикада **муқобил энергияни 2,5 баробарга** ошириб, умумий энергияда улушини **қирқ фоизга** етказиш борасида катта марра олинган.

Санаятда **“яшил сертификат”**лар бозори яратиш, қурилишда энергия самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида **агроvoltaжлар** амалиётини кенг жорий қилиш тақлиф этилади.

Барча худудларда ҳавони яхшилаш бўйича **“Мусаффо ҳаво – 2030” миллий дастури**ни қабул қилишни, яшил майдонларни кўпайтиришни, экологик тоза транспортлар учун зарур инфрамуносабатни ривожлантиришни ташаббус қиламиз.

Тўртинчи мақсад – халқ хизматидаги адолатли, замонавий давлатни барпо этиш борасида вазифалар ҳам белгиланган.

Давлат хизматларининг камида **300 тасини (40 фоизини) хусусий секторга** ўтказиш ва фуқароларнинг бўлиб иштирокчи **2 баробарга** қисқартириш тақлиф этилади.

Бюджет ташкилотларининг маблағ сарфи бўйича маҳаллий кенгашлар олдида ҳисобдорлиги оширилади.

Маҳаллаларни **“бир қадам”** тамойили асосида фуқароларнинг мувожаатларини ҳал этиладиган масканга айлантиришга муҳим масала сифатида қараймиз.

Халқчилик давлатнинг асоси сифатида қонун устуворлиги, одил судлов ва адолатли таъминлаш эътибор марказимизда бўлади.

Хусусан **“Суд прецеденти ҳуқуқи”**ни амалиётга татибиқ этиш, жабранувчининг илтимосига асосан **жиноят ишини кўзғатмасдан ярашиш имкониятини** бериш ташаббусини илгари сурамаи.

Фуқароларнинг **шахсий ҳаёти дахлсизлигига** раҳна соладиган **онлайн-фирибгарлик** ва **кибержиноятлардан** ҳимоя қилиш бўйича аниқ тақлифларни ишлаб чиқамиз.

Адвокатларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолияти такомиллаштирилади.

Конституциявий ислохотларга мувофиқ тadbиркорлик субъектларининг **банк ҳисобварақларидаги амалиётларини тўхтайтиб туриш** фақат суд тартибиде қўлланилишини қонун даражасида белгилаш тарафдоримиз.

Партияимиз дастуридаги **сўз эркинлиги таъминлаш** ва **муस्ताқил нодавлат матбуот** тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаймиз.

Коррупцияга қарши муросасиз курашни изчил давом эттириш, бу борада миллий стратегияни қабул қилишни тақлиф этамиз.

Бешинчидан, мамлакатимиз суверенитети ва хавфсизлигини кафолатлаш учун **очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсатини давом эттириш**, ватандошлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва мигрантлар ҳуқуқларини, миллий хавфсизлигини таъминлаш устувор мақсадимиз сифатида акс этмоқда.

Партияимиз ташқи сиёсатда **қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик** муносабатларини жадал ривожлантирилишини қўллаб-қувватлайди.

Жаҳондаги ҳозирги мураккаб шароитда сарҳадларимиз **дахлсизлиги**, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш ва мудофаа салоҳиятини юксалтириш муҳим вазифалардан бўлади.

Мамлакатимизда **диний бағрикенглик** ва **миллатлараро тотушликни** таъминлаш, фуқароларимизни турли мафкуравий таҳдидлар, зарарли оқиам ва ғоялардан ҳимоя қилиш масалалари эътиборимизда бўлади.

Азиз дўстлар!
Ҳурматли делегатлар!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда муваффақиятли иштирок этиш ва кўзланган натижаларга эришиш учун юртимиз сиёсат саҳнасида жуда кенг имкониятлар, О’зLiDeP фаолларида эса етарли куч, таъриба ва салоҳият бор.

О’зLiDeP ислохотларнинг янги босқичида ҳам мамлакатдаги сиёсий жараёнларга ўз таъсирини сақлаб қолиши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаолликни оширишга муносиб ҳиссасини кўшмоғи лозим.

Демак, барча имкониятларимиз, орттирган тажрибамизни белгиланган мақсад ва режаларни рўйга чиқаришга қаратамиз.

Ишончимиз комил, партиямиз аъзолари, қўллаб-қувватловчи электоратимиз билан бирга барча мақсадларимизга эришамиз!

Биз учун энг муҳими:
Ваъда эмас – натижа, эртага эмас – бугун!
Биз илгари сураётган қадрлилар:
Эркинлик. Мулк дахлсизлиги. Ҳуқуқий давлат!
Инсон қадрини ҳар нарсадан улур!

Номзодларимизга бўлажак сайловда халқ ишончини қозониб, ғалаба қилишда омад ёр бўлишини тилаймиз!
Эътиборингиз учун раҳмат!



Шунингдек, депутатлик гуруҳлари томонидан ўтказилган йўналишларда деярли **10 миң** маротаба ҳудудий ижро органлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Мазкур сайё-ҳаракатларимиз кенг кўламли ислохотлар фуқароларнинг ҳаёт тарзига янада чуқур кириб боришига хизмат қилаяпти.

Ҳурматли делегатлар, конгресс иштирокчилари!

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси йигирма бир йиллик фаолияти давомида жамиятнинг барча жаҳаларига тўлиқ кириб борди. Сиёсий нуқтаи назардан

Дастуриимизда **рақобатбардош санаот** ва **замонавий сервис иқтисодиёт драйверига** айлантириш муҳим вазифа этиб белгиланган. Жумладан бу борада кичик санаот зоналарида инвестиция мажбуриятини бажарган тadbиркорларга ер участкаларини хусусийлаштириш ташаббусини илгари сурамаи.

Юқори иқтисодий ўсишни таъминловчи, самарали молиявий хизматлар, хусусан **капитал** ва **криптоактивлар бозорининг** ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳам вазифа этиб белгиланган.

Иқтисодиётнинг муҳим драйвери бўлган **туризм-сай-**

04 СЎЗ – I КОНГРЕСС ДЕЛЕГАТЛАРИГА

Бугунги кун жадиждлари бўлмоғимиз шарт

Бугун нурунийларимиз ўз умрининг ҳар бир дақиқасида меҳор-этибор ва ғамхўрликдан баҳра олиб яшамоқда. Кексаларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, десам янглишмайман. Кейинги йилларда отахон ва онахонларимиз пенсия ва бошқа тўловларни ўз вақтида, хоҳласа нақд, хоҳласа пластик картада олмақдалар. Уларга имтиёзли равишда ички ва зибрат туризми бўйича катта имкониятлар яратиб берилди. Биргина Андижон вилоятининг ўзида ортда қолган август ойида 1000 нафардан ортиқ нурунийларимиз мамлакат бўйлаб саёҳатда бўлиб қайтишди. Бундай эҳтиромдан божон ва буювжонлар жуда мамнун бўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 11 мартдаги “Кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада сақланиб қолаётган камчиликларга барҳам бериб, кекса авлодини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиб, ижтимоий ҳаётдаги фаолликларини оширишга қаратилган сайёҳ-харакатларни янги бошқича чиқарди.

Мазкур қарор ижроси доирасида

Андижон вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Ўтган даврда вилоятимизда нурунийлар иштирокида 100 дан ортиқ давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди. Партия билан ҳамкорликда “Уч авлод учрашуви”, “Нуруний – маҳаллага маънавий ҳомий” ва бошқа мавзуларда 40 га яқин тадбир уюштирилди. Хусусан, “Бир нуруний ўн ёшга масъул” лойиҳасига мувофиқ ҳар бир маҳалладаги муаммоли оиллага “Кексалар маслаҳати” гуруҳларининг бир нафардан аъзоси бириктирилган. Бу ишлар профилактик ҳисобдаги ёшларни соғлом ҳаётга қайтариш, нотинч оилаларни яраштириш ва ажримларнинг олдини олишда ўз самарасини берапти.

Бугун нурунийларимиз Янги Ўзбекистон бунёдкорларининг олдинги сафларида бўлишга интилоқда. Жумладан, Улуғнор туманида 7 йилдан буён 70 ёшдан ошган нурунийимиз “Набирларимизга насиҳатларим” номли лойиҳани, Шаҳрихон туманида эса ўз уйида “Маҳалла маънавият маркази”ни ташкил қилиб, ёшлар етакчисини ёнига олиб маҳалладаги муаммоларга ечим излаётган кексаларимиз ҳам бор.

Албатта, партияимиз отахон ва онахонларимиз турмушини янада яхшиловчи вазифаларни ҳам ўз олдига қўйган. “Кексалар саломатлигини муҳофазат қилиш



Ўқтамжон АХУНОВ,
O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши раиси,
Андижон вилояти нурунийлари жамоатчилик кенгаши раиси

тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш орқали 70 ёшдан ошган кексаларга бепул тиббий ва зарур ижтимоий хизматларни жорий этишни мўлжаллаямиз. Қисқаси, нурунийларимиз ҳеч нарсага муҳтожлик сезмай, ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун бор имкониятларимизни ишга соламиз.

Ҳаммамиз бу дунёда эзгу орзу-умидлар билан яшаймиз. Шу маънода айтмоқчики, биз ким бўлишимиздан, қайси соҳада банд бўлишимиздан қатъий назар, қўлимиздан келгунича янги ҳаёт, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сафида бўлишимиз кераклигини бугунги жараёнлар, янгиликлар тақозо этмоқда. Демак, тарихий ўзгаришларнинг энг фаол иштирокчисига айланиш учун ҳар биримиз замонавий жади бўлмоғимиз шарт!

O'zLiDeP - сўзи билан иши бир партия



Ёдгор СА'АДИЕВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
Ўзбек миллий академик драма театри директори, Сиёсий Кенгаш аъзоси

Иқтисод ва сиёсатни қўшнинг бир қанотига қийслайдиган бўлсақ, шубҳасиз, унинг иккинчи қаноти маънавият ва маданиятдир! Қўш бир қаноти билан парвоз қила олмагани каби, ҳеч бир мамлакат ҳам маънавият ва маданиятсиз юксак тараққиётга эриша олмайдиган.

Ҳеч эсимдан чиқмайди: Президентимиз Шавкат Мирзиёев саккиз йил муқаддам маданият ва санъат соҳаси раҳбарлари билан учрашувда шундай деган эдилар: "...Мамлакатимизда маданият ва санъат тараққиёти эмаса, жамият ривожланмайди. ...Биз Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратиб беришга киришган эканмиз, бундан аввал миллий маданиятимизни ривожлантиришимиздан бошлашимиз лозим". Бу сўзлардан бир қувонган бўлсам, кейинчалик унинг ҳаётга қўлланган ўн қара севиндим. Эътиборингизни биргина рақамга қаратмоқчиман: маданият ва санъат соҳасининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳажми 2017 йилга нисбатан 5 баробар ошиб, ўтган йили бу мақсадлар учун 712 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бой ва бетакрор маданий меросимизни дунёга тарғиб этиш бўйича алоҳида тизим яратилди. Маданият, маънавият соҳаси вакиллари

давлат мукофотлари билан мунтазам тақдирланяпти.

Партияимиз сафларида зиёлилар, санъаткорлар кўп. Уларнинг талаб-истакларидан келиб чиққан ҳолда O'zLiDeP ўзининг янги Сайловолди дастурига талай вазифаларни киритди. “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепцияси ва уни амалга ошириш миллий дастури ишлаб чиқилиши мамлакатимизни юксак маданият ва маънавиятга эга инсонлар ўлкасига айлантириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади. Шунинг баробарида илм аҳли ва ижодкор зиёлиларга доимий эътибор қаратиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнат ва яшаш шaroитларини яхшилашга қаратилган ишлар тўхтовсиз давом эттирилади.

Бир сўз билан айтганда, шахсан мен сўзи билан иши бир партия аъзоси эканимдан фахрланаман. Биз эзгу мақсадларимизни рўйбга чиқариш йўлида асло толмаймиз.



Анна ДОБРИХ,
Наманган шаҳридаги
"Iftixor kiyim sanoat" МЧЖ директори,
Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгаши депутати

Томчида қуёш акс этади

Саккиз йилдан буён биз – бизнес вакиллари кўтаринки кайфиятда ишляемиз, барпо этилган қулай шарт-шaroит туфайли келажакка катта ишонч билан қараяпмиз.

Ижобий ўзгаришлар, албатта, ўз-ўзидан юз бергани йўқ. Балки давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, иқтисодий жиҳатдан қудратли Янги Ўзбекистонни барпо қилишга қаратилган сайёҳ-харакатлари маъсулидир.

“Томчида қуёш акс этади” деган ҳикматли ибора бор. Демокриманки, ислохотлар, янгиликлар тулкини бизнинг қорхонамизга ҳам кириб келди. Айланма маблағларимиз кўпайди, экспорт ҳажми ошди. Хотин-қизлардан иборат 750 нафар ишчи-ходимга аввалгидан кўра яхшироқ ҳақ тўланапти. Эътиборлиси, янги бизнес лойиҳаларга ҳам қўл урдик.

Яқинда Президентимизнинг Тадбиркорлар кўни муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган жонли мулоқотда билдирган тақдир ва ташаббуслари, ўйлаётган, бошқа соҳалар қатори бевосита кичик бизнесга ҳам янги имкониятлар эшигини очди, сердаромад қорхоналар кўпайишига туртки беради. Солиқ юқини енгиллаштириш ва турли кўринишдаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар эса тадбиркорларни янада руҳлантиради.

Қувонарлиси, партияимиз кейинги беш йилда жамиятда фаол тадбиркорлик маданияти ва таваққули ривожланишига муносиб ҳисса қўша олади. O'zLiDePнинг мазкур ишчи қатъият билан давом эттириши бўлажак сайлов олдида илгари сураётган мақсадларида ҳам яққол намойён бўлмоқда. Хусусан, давлат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлар, шу жумладан, фермерлар фаолиятига аралашувини қатъий тақиқлаш учун барча чоралар қўрилади. Бизнес юритиш янада соддалаштирилади, 1 000 га яқин бюрократик талаб бекор қилинади.

Тадбиркорликнинг ривожланишидан бутун халқимиз манфаатдор бўлади десам, менимча, барчангиз фикримга қўшилиасиз. Демак, биз бу сайловда, албатта, ютиб чиқамиз!

Ҳаммаси инсон қадрини учун

Инсон қадрини юксалатган Ўзбекистонимизда ҳеч ким ва ҳеч бир ҳудуд эътибордан четда эмас. Юртбошимиз президентлик вазифасига киришганларидан бери шароити нисбатан мураккаброқ Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Масалан, ўтган йилларда айнан Оролбўйи ҳудудини ривожлантиришга мўлжалланган 15 та қарор ва фармон қабул қилинди. “Нукус-Мўйноқ”, “Нукус-Истанбул” йўналишларида ави-

ақатновлар йўлга қўйилди. Улкаимизнинг туман ва шаҳарларида 15 триллион сўм инвестиция ҳисобига 5 мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Тадбиркорлар сони икки баравар кўпайди. Эътиборлиси, қорақалпоғистонлик тадбиркорлар учун фойда, айланмадан олинадиган ҳамда ер ва мол-мулк солиқлари 2 баравар камайтирилди. Ижтимоий солиқ эса 1 фоиз қилиб белгиланди. Шунинг қилиб ҳисобига тадбиркорларимиз ихтиёрида йилига 500 миллиард сўм қоляпти. Худудда саноат 1,4 баравар ўсиб, 61 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб

чиқариляпти. Яқинда Нукус шаҳрида ўтказилган очиқ мулоқот натижасида тадбиркорларнинг 11 мингдан ортиқ муаммоси ечими бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Яна шунинг қайд этишим керакки, икки йил аввал “Нукус шаҳар тажрибаси” йўлга қўйилган эди. Ана шу дастур доирасида давлатимиз раҳбари томонидан 21 млрд сўм маблағ ажратилди. Иқтисодий, ижтимоий ҳимояга муҳтож 4 минг 750 нафар ёшга 14,6 млрд сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Етакчи сиёсий куч – O'zLiDePнинг сайловолди



Полат МАХСЕТБАЕВ,
Ёшлар ишлари агентлиги
Қорақалпоғистон Республикаси
бошқармаси бошлиғи, O'zLiDeP фаоли

Эртамиз эгалари тақдирига масъулмиз

Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентимиз ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши натижасида мамлакатимизда ёшлар соҳасида мислсиз ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда ёшлар ишлари билан шуғулланадиган алоҳида агентлик, Ёшлар академияси ва Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламенти ташкил этилди, ҳудудларда лойиҳалар фабрикаси иш бошлад.

Яна бир муҳим ўзгариш – янги таҳрирдаги Конституцияимизда оила,

болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилди. Давлатнинг ёшлар қалбида қадриятларимизга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларини шаклланишига ғамхўрлик қилиши белгиланди. Бундан ташқари, эртанги кун эгаларининг таълим олишлари, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун барча шарт-шaroитларни яратиб бериш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритилди. Мазкур нормалар, нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келгуси тақдири учун муҳимдир.

Партияимизнинг янги сайловолди дастуридан бу йўналишдаги ислохотларни давом эттиришга қаратилган вазифалар ҳам мустаҳкам ўрин олган. Жумладан, ҳар бир маҳаллада “мактаб – олийгоҳ – IT компанияси”дан иборат яхлит IT таълим ва хизматлар занжири яратилиши ҳам йигит-қизларимиз интилишларига ҳамоҳанг. Ушбу вазифалар ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиши мақсад қилгани билан аҳамиятлидир.



Дилнозахон КАТТАХАНОВА,
Ёшлар ишлари агентлиги директорининг
биринчи ўринбосари, Сиёсий Кенгаш аъзоси

Тадбиркор бой бўлса...

Ўттиз йилдан буён ишбилармонлик фаолияти билан машғулман. Баъзан ортда қолган йилларимизни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади. Нега десангиз, яшаймилик, ўша даврда сал қўлдан иш келиб тадбиркорлик қилган одамнинг эрталаб уйдан чиқиб кетиб, ҳатто кечқурун қайтиб келишига ишонч йўқ эди. Аксариятимизда эртанги кунга ишончисизлик, ҳадик бор эди. Бугун, партияимизнинг I конгрессида қатнашаётган тадбиркорларимиз айтишсин, узоқ эмас, бундан 10-15 йил аввал вазият қандай эдию, бугун қандай имкониятларга эга бўлдик?

Энди оддий бир тадбиркор сифатида ҳозирги кунда ўз фаолиятим мисолида айтган бўлсам, 2017 йилгача иккита қорхонамда бор-йўғи 1500-2000 нафар ишчи хизмат қилган. Кейинги саккиз йилда эса “Uztex” қорхоналар тармоғи гуруҳи 2 тадан 21 тага етди. Бугун бу қорхона-

ларда 20 мингдан зиёд юртдошларимиз ишлапти десам ишонасизми? Яна бир эътиборли томони, хусусий иш берувчилари орасида мамлакат бўйича “Энг кўп иш берувчи” мақомини ҳам қўлга киритдик. Яқинда бешинчи авлод миллий операторини ишга тушириш устида иш олиб бораёпмиз. Бу ҳам юзлаб иш ўрни яратилади, деганидир.

Қолаверса, 2017 йилга қадар ўтган ўн икки йиллик давр мобайнида “Invest Finance Bank” акциядорлик жамиятининг активлари миқдори 100 миллион долларни ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу банкнинг активлари 1 миллиард доллардан ошди. Янгиликлар туфайли ҳудудларда 70 минг аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлади. Хусусий замонавий мактабгача таълим ташкилотларини куриб фойдаланишга топширдик. Бундан ташқари, Хоразм вилоятини деярли

барча туманларидаги поликлиникаларни замонавий тиббий-техник ускуналар билан таъминлаш мақсадида 5 миллион доллар миқдорда ҳомийлик ишларини амалга оширдик.

Бу гапларни шундай нуфузли минбарда фахрға тўлиб айтишимдан мақсад шуки, қачонки тадбиркор бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади. Ўз-ўзидан яхши даромад топган тадбиркор ижтимоий жиҳатдан қўмакка муҳтож оилаларга ёрдам қўлини қўзғайди, уларни иш билан таъминлаб, оёққа туришига ёрдам беради.

Албатта, тадбиркорлар учун яратиб берилаётган барча эркинлик, имтиёз, преференциялар ва бошқа қўлловлар ортда, табиийки, партияимизнинг ҳам ўзига хос сайёҳ-харакатлари бор. O'zLiDeP етакчи партия мақомини мустаҳкам сақлаб туришига ишончимиз комил.



Фарход МАМАЖОНОВ,
“UZTEX GROUP” МЧЖ қорхоналар тармоғи
директорлар кенгаши раиси, “Invest Finance Bank” АЖ қузатув кенгаши раиси,
Сиёсий Кенгаш аъзоси

Суратларни Сардор АМИНЖОНОВ олган.



МАҲОРАТ, МАТОНАТ ВА МЕТИН ИРОДА

ТУФАЙЛИ ЎЗБЕКИСТОН ПАРАЛИМПИЯЧИЛАРИ ДУНЁНИ ЛОЛ, ҲАКАМУ МУТАХАССИСЛАРНИ ҲАЙРОН, СПОРТ СОҲАСИДАГИ ТАҲЛИЛЧИ ВА ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ҲАЙРАТДА ҚОЛДИРГАНИ ХУСУСИДА

2024 йил 8 сентябрь. Париждаги “Стад де Франс” стадиони. Олтимиш тўрт мингдан ошмиш томошабин. XVII Паралимпия уйинларининг тантанали ёпилиш маросими. Яқшанба оқшомида бутун жаҳоннинг эътибори шу манзилга қаратилди десак муволаф бўлмас.

Минбарга кўтарилган Халқаро Паралимпия кўмитаси президенти Эндрю Парсонс 12 кун давом этган “Париж-2024” мусобақалари ниҳоясига етганини маълум қилар экан, бу энг аjoyиб уйинлар бўлганини алоҳида таъкидлади. Аста-аста сўнган машъа 2028 йилда Лос-Анжелесда қайта аланга олишини эълон қилди. Жаноб Парсонс Франция пойтахтида 22 спорт тури бўйича ташкил этилган Паралимпия уйинларига ҲАР ТОМОНЛАМА ЯНГИ ЭТАЛОН, дея таъриф берганида Ватанимиз спортчиларининг ютуқлари кўз олдидан кино тасмаларидай қайта-қайта ўта бошлади. Чиндан ҳам маъруз бела-шувлар айниқса биз учун унутилмас, ўзига хос тарихий ғалабаларга бой бўлган шубҳасиз.

Кўйидаги қиёсий рақам ва кўрсаткичлар бу фикримиз исботи бўлса



ажабмас.

Ўзбекистон паралимпиячилари мусобақалар давомида, нафақат маҳорат, балки матонат ва кучли ирода намойиш этиб, 10 та олтин, 9 та кумуш ва 7 та бронза медалини қўлга киритишди. Умумжамоа ҳисобида вакилларимиз жами 26 та медаль билан 13-ўринни эгалладил!

Ушбу натижа билан делегациямиз Осие мамлакатлари орасида Хитой ва Япониядан кейин учинчи, шунингдек, Марказий Осие, Ислон бирдамли-

ги ва Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар орасида энг яхши кўрсаткичи қайд этишди.

Энди таққослайлик: 2004 йил Афина ва 2008 йил Пекинда ўтказилган мусобақалардан куруқ кўл билан қайтганмиш. Орадан тўрт йил ўтгач, яъни Лондон шаҳрида бор-йўғи 1 та кумуш медаль олиб, 67-ўринга кўтарилганмиш холос.

Эсликлик, “Рио-2016”да эса туб бурилиш юз берди: паралимпиячиларимиз 8 та олтин, 6 та кумуш ва 17 та бронза медал билан умумжамоа ҳисобида дунё рейтингда 16-ўринга кўтарилди. “Токио-2020”да мурасосиз курашлар туфайлигина ўша мақомни сақлаб қолишга эришдик – 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, “Париж-2024”да яна уч поғона юксалишга, энг юқори даражадаги медалларни 10 тага етказишга муваффақ бўлдик.

200 га яқин давлат орасида 13-ўринга сазовор бўлиш...бу фақат айтишга осон. Эришилган оғир ғалабалар қадрини қисқа муддат бўлса-да, спорт билан шуғулланганлар, манглайдан чиқадиган қора терни

Жаҳоннинг мана-ман деган нашрлари, телерадио каналлари ва энг нуфузли веб-сайтлар Ўзбекистон делегацияси улкан ғалабаларни қўлга киритаётганини, Асиланинг бутун дунёни лол қилганини қайта-қайта намойиш этишди. Кўзи боғланган ўзбек қизининг узоқ масофадан тўғри югуриб келиб, узунликка сакраши том маънода интернетни портлатди.

Очиқ айтиш керак, ҳар тўрт йилликнинг энг йирик ва энг нуфузли спорт анжумани ҳисобланган Паралимпия уйинларида ғолиб чиқиш учун интилиш ва хоҳишнинг ўзи камлик қилади. Бунда яратилган шароитлар, маблағлар масаласи ҳукумат даражасида ижобий ҳал этиб берилиши, раҳбарларнинг спортчиларга гамхўрлик кўрсатиши, кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаб туриши, тажрибали устозларнинг таъсирчан мотивацияси долзарб аҳамият касб этади. Энг муҳими, она Ватанини севмаган, ота юртининг доврўгини таратишни хоҳламаган киши чемпион бўла олмайди. Халқнинг номидан майдонга чиққанлар фахрлиниши билиши керак. Аслида медаль эмас, ор учун та-

Вакилларимизнинг 65 нафари Франция майдонларида спортнинг 9 тури – пара энгил атлетика, пара тазквондо, пара ўқ отиш, пара сузиш, пара каное, пара академик эшак эшиш, пара дзюдо, пара пауэрлифтинг ва пара велоспорт бўйича мурасосиз баҳсларда муносиб иштирок этишди. Айтиш лозимки, “Париж-2024” лицензиясини қўлга киритган атлетларимизнинг 29 нафари, яъни 45 фоизи аёл спортчилар эканлиги Ўзбекистонда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар самарасидир.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, дзюдо бўйича Олимпия уйинлари чемпиони Дие́ра Келдирёваннинг Паралимпиядадаги вакилларимизни бевоҳита қўллаб-қувватлаш учун Парижга қайтиб боргани билан боғлиқ. Жумладан, Дие́ра Т11 классида узунликка сакраш баҳсида иштирок этиб, дастлабки уринишидаёқ 5,22 метр натижа билан Паралимпия уйинлари рекордини ўрнатган ва олтин медални қўлга киритган Асила Мирзаёрова билан учрашди. Шунингдек, бошқа спортчилар билан ҳам мулоқот қилиб, уларга далда бўлиб турди. Ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишнинг машаққатларини энгиб ўтишда ҳаммаслақ ва ҳамфикр бўлди.

Жаҳоннинг мана-ман деган нашрлари, телерадио каналлари ва энг нуфузли веб-сайтлар Ўзбекистон делегацияси улкан ғалабаларни қўлга киритаётганини, Асиланинг бутун дунёни лол қилганини қайта-қайта намойиш этишди. Кўзи боғланган ўзбек қизининг узоқ масофадан тўғри югуриб келиб, узунликка сакраши том маънода интернетни портлатди.

Очиқ айтиш керак, ҳар тўрт йилликнинг энг йирик ва энг нуфузли спорт анжумани ҳисобланган Паралимпия уйинларида ғолиб чиқиш учун интилиш ва хоҳишнинг ўзи камлик қилади. Бунда яратилган шароитлар, маблағлар масаласи ҳукумат даражасида ижобий ҳал этиб берилиши, раҳбарларнинг спортчиларга гамхўрлик кўрсатиши, кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаб туриши, тажрибали устозларнинг таъсирчан мотивацияси долзарб аҳамият касб этади. Энг муҳими, она Ватанини севмаган, ота юртининг доврўгини таратишни хоҳламаган киши чемпион бўла олмайди. Халқнинг номидан майдонга чиққанлар фахрлиниши билиши керак. Аслида медаль эмас, ор учун та-

лашаётганини ҳис қилиши зарур.

Диққатга сазовор томони, ногирон спортчилар билан ишлашнинг ўзи бўлмайди. Уларни ўз кучига ишонтириш осон кечмайди. Бошқалар турмуш қийинчиликларидан ноллиб юрган бир вақтда аравадада ўтириб найза отиш, диск ёки ядро улоқтириш, чалқанча ётган ҳолда оғир штангани кўтариш учун одамга қанчалик матонат керак?

Оддий савол туғилади: булар шунча кучни қаердан олиб, иродасини қаерда тоблашди? Аввало, ота-оналари ва фидоий мураббийлари олға бошлашди. Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуси билан спортчи ва тренерларга яратилган қўлай шароитлар эса ана шундай иродали ёшларнинг бутун бир авлоди етишиб чиқишига замин яратди. Янаям қувонарлиси, бугунги чемпионларимиз ордидан эртага юзлаб болалар эрга-шади. Улар ҳам шундай чўққини забт этишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Кўзлари ёниб, нигоҳи қатъийлашиб харақатга киришади.

Ўнта олтин медаль! Ўнта кўнғирок! Самимиятга йўғрилган ўнта суҳбат!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кун тартиби қанчалик тизиб бўлмасин мусобақаларни кузатишга вақт толгани, чемпионларга шахсан телефон қилиб кутлаб тургани спортчиларимиз учун янада кучли мотивация бўлгани аниқ.

Давлатимиз раҳбари ҳар сафар Парижга кўнғирок қилганида чемпионларга қизим, болам, дея мурожаат қилиши, расмиятчиликсиз, оталарча меҳр-муҳаббат билан мулоқотга киришгани барчамизни кескиз ҳаяжонга солди.

Мусобақада иштирок этаётганларни, кўп сонли делегациямиз аъзоларини қўя турунг, ТВ экранлари, ижтимоий тармоқлар орқали бу суҳбатларни эшитганлар ҳам ҳайратда қолди. Кўзларимиз беихтиёр қувонч ёшларига тўлди.

Ғолибларни кутиб олиш жуда катта байрамга айланиб кетди!

Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, матонатли спортчиларимизнинг ота-оналари, кўплаб журналистлар тўланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, тарихга зарҳал харфлар билан битилажак 2024 йилги спорт мавсумида оламшумул ютуқлар қўлга киритилди. Ўзбекистон фарзандлари XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия уйинла-

рида жаҳонга мамлакатимизнинг улкан салоҳиятини ёрқин намоен қилди. Сал фурсат олдин олимпиячиларимиз бошлаб берган шонли эстафетани паралимпиячиларимиз муносиб давом эттиришди.

– Ўғлим Паралимпия уйинларига кетиши олтидан албатта учинчи олтин медални қўлга киритаман, деб ваъда берганди, – дейди Ҳусниддин Норбековнинг онаси Норжон Норбекова. – Худойимнинг қўллагани шу бўлса керакки, у сўзининг устидан чиқиб, юзимизни ёруғ қилди.

Чемпионларни кутиб олиш тантанасида сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов, Президент ҳузурдаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори Мансур Оллоёров, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, сенатор Маҳмуд Тоир ва бошқалар паралимпиячиларимизнинг бу юксак ғалабаси халқимизга кескиз ифтихор бағишлагани, мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган эътиборнинг улкан самараси эканини алоҳида таъкидлашди.

“Париж-2024” Паралимпия уйинларида пара энгил атлетикачимиз, Ўзбекистон делегацияси байроқдори Ҳусниддин Норбеков ядро улоқтиришда 16,82 метр натижа билан олтин медални қўлга киритиб, Паралимпия уйинларининг янги рекордини ўрнатди ва фаолиятда уч карра Паралимпия чемпионига айланди. Шерзод Намозов эса пара дзюдо бўйича олтин медални қўлга киритиб, икки карра Паралимпия чемпиони бўлди.

Пара атлетика Бобур Омонов ядро улоқтириш бўйича эрақлар ўртасида икки карра Паралимпия чемпиони дея эътироф этилди. Унинг 14,32 метр натижаси эса “Токио-2020” Паралимпия уйинларидаги ўзининг рекордини ҳам янгилади.



Пара атлетика бўйича Т11 тоифасида аёллар ўртасида узунликка сакраш баҳсларида Асила Мирзаёрова 5,24 метр натижа кўрсатиб, Паралимпия рекорди ва олтин медалига эга чиқди. Шунингдек, Нурхон Қурбонова найза улоқтириш баҳсларида 21,12 метр натижа қайд этиб, жаҳон рекордини янгилади ва олтин медалга сазовор бўлди. Нурхон мазкур Паралимпиядада ядро улоқтиришда бронза медалини ҳам қўлга киритди.

Ва ниҳоят, ҳаяжонли дақиқалар этиб келди. Парижда яқунданган ёзги Паралимпия уйинларида муваффақиятга эришган спортчиларимизга катта миқдордаги пул мукофотларининг сертификатлари, Президент совғалари бўлган “Chevrolet Tahoe”, “BYD Song Plus EV Champion”, “BYD Song Plus DM-i Champion” автомобилларининг ва замонавий хонадонлар қалитлари топширилди.

Матонатли ёшларни кутиб олиш ва тантанали тақдирлаш тадбирларида Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева, Бош вазир Абдулла Арипов, Президент Администрацияси департамент раҳбари Одил Абдураҳмонов иштирок этди.

Озод РАҲАБОВ,
“XXI asr” шарҳловчиси

Реклама ҳуқуқи асосида



Biznesni Rivojlantirish Banki



Birlamchi uy-joy bozoridan xonadon sotib olish uchun

Yangi uyga ipoteka: qulay xonadonga boradigan yo'lingiz

Kreditning maqsadi — birlamchi uy-joy bozoridan yangi xonadon sotib olish uchun Iqtisodiyot va moliya vazirligi mablag'lari hisobidan qayta moliyalashtiriladigan ipoteka kreditining eng ko'p miqdoridan ortgan qismini moliyalashtirish uchun qo'shimcha ipoteka krediti ajratish.

Kreditlash shartlari:

Kredit miqdori: Toshkent shahrida **680 million so'mgacha,**

Qoraqalpog'iston Respublikasi va viloyatlarda **510 million so'mgacha**

Muddati: 15 yilgacha

Boshlang'ich to'lov: 20%

Kredit foizi: yillik 24% dan boshlanadi.

www.brb.uz



ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМлар

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг бошқа давлатлар билан товар олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича амалга ошираётган савдо операциялари икки томонлама фойда келтирувчи муҳим амалиёт ҳисобланади. Хабарингиз бор, сўнгги йилларда ҳарбий зиддиятлар, санкциялар ва бошқа қатор омиллар сабаб дунёда иқтисодий хавф-хатарлар кучайиб бормоқда. Бу эса халқаро савдодаги салбий таъсири юмшатишни кун тартибдаги долзарб масалага айлангирмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Тadbirkorлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш марказида доимий тарзда ўтказиб келинаётган “Тadbirkorлар билан мулоқот” Форуми лойиҳаси доирасида “Ўзбекистон ташқи савдо операциялари бўйича амалиётда учраётган айрим муаммолар” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда O’zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бизнес-Омбудсман мутахассислари, Инвестициялар, sanoat ва савдо, Адлия, Иқтисодиёт ва молия вазирликлари, Ўзбекистон Иқтисодиёт ассамблеяси, ташқи савдо фаолияти билан шуғулланувчи тadbirkorлик субъектлари вакиллари ҳамда соҳага оид бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

Тadbirkorлик субъектлари вакиллари билан ўтказилган мазкур мулоқотда ташқи савдо иштирокчиларида импорт шартномалари бўйича пул маблағларини ўтказишда айрим чекловлар жорий қилингани муҳокама этилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомининг 29-бандида импорт қилинган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкилари орқали пул маблағларини ўтказиш муддати 365 кундан ошиб кетмаслиги белгиланган.

Ушбу учрашувда тadbirkorлар импорт шартномаларида белгиланган тўлов мuddатлари 365 кундан ортиқ бўлган тақдирда банклар томонидан тўловлар ўтказилмаётганлиги, ушбу қоида ташқи савдо операцияларини амалга оширишга тўсиқ бўлаётганини баён қилдилар.

Натижада тadbirkorларнинг хорижий ҳамкорлар олдидаги имижига салбий таъсир шаклланаётгани тилга олинди. Қайд этилдики, бу Ўзбекистонлик тadbirkorларнинг ишбилармонлик мақомига соя солиш баробарида келишувни бажармаслиги ортдан etkazилган зарарни суд орқали тўлаб берилишига олиб келмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида пул маблағларини ўтказиш мuddати 365 кундан ошиб кетган 108 миңдан ортиқ шартномалар мавжуд. Ушбу шартномалар бўйича қарздорлик 8,1 млрд АҚШ долларидан ортиқ маблағни ташкил этмоқда.

Ташқи савдо амалиётлари бўйича таҳлил олиб бориш ҳамда назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тadbirkorлари тўғрисида”ги 283-сонли қарори билан тасдиқланган Низом орқали тартибга солинади. Мазкур ҳужжатга кўра, импорт, олиб кириш, олиб чиқиш, экспорт, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ёхуд улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш мuddати тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 кундан ортиқ бўлмаслиги кераклиги белгиланган. Шу мuddатда қайтарилмаган ёки тегишли миқдорда келиб тушмаган валюта маблағлари мuddати ўтган дебитор қарздорлик сифатида қайд қилинади.



2021 йилдан жорий йилнинг август ойига қадар судлар томонидан мазкур Низом талаблари асосида 3 626 та тadbirkorлик субъектининг умумий қиймати 1 090,4 млн долларлик мuddати ўтган дебитор қарздорликларни учун 1 975,3 млрд сўм миқдориди молиявий жарима қўлланилган.

Шу билан бирга, тadbirkorлик субъектларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган қуйидаги ҳолатларда ҳам уларга мuddати ўтган дебитор қарздорлик бўйича жарималар қўлланилмоқда:

Биринчи: товарларни сертификатлаштириш жараёнининг чўзилиши, божхона тўловларига етарли маблағ мавжуд бўлмаган ҳолатларда, шунингдек, берилган имтиёзлар бекор бўлиши ёки божхона божи миқдорлари ўзгариши натижасида импорт қилинган товарлар “божхона омбори” режимиди 180 кундан ортиқ қолиб кетиши оқибатида жарима қўлланилиши тadbirkorлик субъектларини иқтисодий жиҳатдан танг аҳволга солиб қўймоқда.

2023 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, республика бўйича 244 та тadbirkorлик субъектига тегишли бўлган 114,7 млн долларлик импорт қилинган технологик асбоб ва ускуналар турли сабабларга кўра 180 кундан ортиқ мuddатда “божхона омбори”да ушлаб турилган.

Мисолларга мурожаат қиламиз:
Хоразм вилоятида фаолият юритаётган “Шовот Грант Плаза” МЧЖга Туркиядан келтирилган қиймати 679,9 миң долларлик мебель ва бошқа анжомлари бўйича божхона тўловларига етарли маблағ бўлмаганлиги сабабли импорт қилинган товарлар “божхона омбори” божхона режимиди 180 кундан ортиқ мuddат қолиб кетган ва оқибатда жамиятга нисбатан 1 миллиард сўмдан ортиқ молиявий жарима қўлланилган.

Иккинчи: контрагентнинг айби билан товар etkazиб берилмаганлиги ёки тўлов амалга оширилмаганлиги ҳо-

латларида маҳаллий тadbirkorларга нисбатан молиявий жарима қўлланилиши ҳам ташқи савдо иштирокчилари фаолиятига салбий таъсир этмоқда. Хусусан, бугунги кунда мазкур ҳолатга тушиб қолган маҳаллий тadbirkorларни химоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш ўрнига молиявий зарар кўраётган ва иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушаётган субъектларга нисбатан санкцияларни қўллаш ва қўшимча жарималар торттиш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга мутлақо зид амалиёт бўлиб қолмоқда. Масалан, биргина Хоразм вилоятида жорий йилда кузатилган аномал совуқ оқибатида ташқи савдо операциялари бўйича 11 та корхонага нисбатан вужудга келган 9,1 млн долларлик дебитор қарздорлик бўйича жарималар белгиланган.

Хусусан, “WBM Qoshkopir Cluster” МЧЖда – 6,2 млн доллар, “Хоразм шакар” МЧЖда – 243,3 миң доллар, “Хоразм питнак пласт” МЧЖда – 382,1 миң доллар, “Khiva Cluster” МЧЖда – 407,5 миң доллар дебитор қарздорлик вужудга келган ва белгиланган тартиб асосида жарималар тортилган.

Учинчи: тadbirkorлик субъектлари томонидан контрагентлардан суд тартибиди ундирилган маблағларнинг Ўзбекистонга қайтарилишида ҳам муаммолар талайгина бўлиб, жумладан, Россия Федерациясининг “Суд ҳужжатлари ижроси тўғрисида”ги Федерал Қонунига асосан (624-ФЗ-сон, 23.12.2022 й.) ижро варақасида ундирувчининг Россия Федерацияси кредит ташкилотиди очилган банк ҳисоб рақами реквизитлари кўрсатилиши белгиланган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига кўра, резидент юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақор очибга ҳамда улардан фойдаланишга, башарти Ўзбекис-

тон Республикаси Президентининг ёки ҳукуматнинг Ўзбекистон Республикаси валютасида ёки чет эл валютасида ҳисобварақор очиб ва улардан фойдаланиш мақсадлари назарда тутилган қарорлари ёхуд Ўзбекистон Республикасининг шундай халқаро шартномалари мавжуд бўлсагина бундай амалиётга йўл қўйилиши белгиланган.

Мисол учун: Россия Федерацияси Киров вилояти Арбитраж судининг А28-1173/2022-сонли иш бўйича 20.10.2022 йилдаги қарорига кўра, Россия Федерациясида фаолият юритувчи “Агромаш” МЧЖдан Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи “New ecological Feed” МЧЖ фойдасига 2,8 млн рубль миқдориди қарздорлик, 65,6 миң рубль миқдориди пеня ва 46,7 миң рубль миқдориди давлат божи ундирилиши белгиланган. Бугунги кунга қадар “New ecological Feed” МЧЖнинг Россия кредит ташкилотиди банк ҳисоб рақами йўқлиги сабабли қарздорликни ундириш бўйича суд ижро ишини якунлаш имконисиз бўлиб қолмоқда.

Бу каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда ташқи савдо операциялари жараёнида тadbirkorлар фаолияти химоясини кучайтириш ва ташаббускорлигини янада қўллаб-қувватлаш мақсадиди қуйидагилар таклиф этилди:

– хориж контрагентларидан пул маблағларини ундириш, товарларни қайтариш ёки зарарларни ундириш бўйича суд қарорлари мавжуд тadbirkorлик субъектларига қўлланилган жарималарни бекор қилиш;

– Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 27-бандида “ташқи савдо операцияларида жавобгар бўлган хорижий шерикларидан пул маблағларини ундириш, товарларини қайтариш ёки зарарларни ундириш бўйича тегишли чоралар кўрилиб, улар манфаатида суд қарорлари қабул қилинган ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан товарларни республикага олиб кириш ва “божхона омбори” божхона режимига расмийлаштириш, шунингдек, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ёхуд улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш мuddати импорт контрактлари бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 кундан ортиқ бўлмаслиги” мазмундаги 10- ва 11- хатбошилари билан тўлдириш;

– ташқи савдо операциялари бўйича активларни репатриация қилиш мақсадиди резидент юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида вақтинчалик мақсадли ҳисобварақор очибга ҳамда улардан фойдаланишга рухсат берилиши юзасидан “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритиш таклиф қилинди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, мазкур соҳада фаолият олиб борувчи ишбилармон доиралар вакиллари томонидан тadbirkorлик субъектлари учун ташқи савдо операцияларини тартибни соддалаштириш ва қўшимча қулайликларни яратиш мақсадиди импорт қилинган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар бўйича хорижа пул маблағларини ўтказиш мuddатини белгилувчи тегишли нормани бекор қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Ақром АЛИМОВ,
Ўзбекистон Тadbirkorлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази директори

Суратни Сардор АМИНЖОНОВ олган.

ШУКУҲ

ЯНГИ ЎЗБЕКISTON ОСТОНАСИ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Президентимизнинг ушбу сўзлари Ватан, мамлакат тақдирини бевосита таълим-тарбияга нечоғли боғлиқлигига ишорадир.

Ўтган асрнинг бошларида мустамлака исканжасида жаҳон тараққиётидан ортда қолган юртин, миллатни жаҳолат ва қоқоқлик гирдобидан олиб чиқишни ўз олдиларига мақсад қилиб кураш майдонига чиққан маърифатпарвар боболаримиз нажотни илмда, маърифатда, таълимда деб билган эдилар. Улар илғори сурган гоғялар ўзлари учун нақадар катта хавф солишини тушунган мустабид тузум жадиждларни жисмонан маҳв этишга уринди.

Гарчи, ордан бир асрдан ошқ вақт ўтган бўлса-да, бундай халқчил гоғялар ўз қадр-қимматини ҳамон йўқотгани йўқ. Бугун юрт озод, эркимиз ўз қўлимизда. Халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Демак, ёшларимизни ўз миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларга ёт гоғялар таъсиридан холи бўлган таълим бериш ўзимизга боғлиқ.

Президентимизнинг сиёсий иродаси, саботи сабаб “миллион эгтарларга сочилиб кетган” ўзбекининг, энг

биринчи навбатда ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг мактабларга қайтгани, педагоглар касбий вазибаларини адо этишга киришгани, уларнинг мақоми Бош қомусимизда белгилаб қўйилгани – миллий ўзлигини англаган авлодни тарбиялашда қўйилган, аҳамияти жиҳатидан инқилобий қадамлардир.

Умуман сўнгги йилларда бошқа соҳалар қатори таълим тизимида ислохотлар яққол кўзга ташланди. Охириги етти йилда мактабгача таълимда қамров 27 фоиздан 74 фоизга етди. Бу дунёдаги энг яхши кўрсаткичлардан бири эканлигини халқаро экспертлар ҳам эътироф этмоқда. Янги мактаблар қурилиб, қўшимча 700 миңга ўқувчи ўрни яратилди. Президент мактаблари ташкил этилди, ихтисослаштирилганлари кўпайди. Олий ўқув юртлири сон 200 тадан ошиб, қамрови 42 фоизга етди. Таълим ва тиббиётда хусусий секторга кенг йўл очилиб, сифатга интилиши кучайди.

Давлат томонидан ёшларимизга яратилаётган улкан шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш нафақат фарзандларимизнинг ўзига, балки уларга тарбия берадиган ота-оналарга, ўқитувчи ва мураббийларга, қолаверса, маҳалла аҳлига кўп жиҳатдан боғлиқ. Агар маҳаллада, оилада, таълим масканларида

соғлом муҳит яратилса, бу фарзандлар таълим-тарбиясида жуда катта аҳамият касб этади. Ахир халқимиз бежизга, бир болага етти маҳалла ота-она, дейишмаган.

Янги Ўзбекистон бунёдкорларини тарбиялашда мактаблардаги тарбия ва маънавий масаласи муҳим касб этади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш орқали уларда ҳуқуқбузарликка қарши иммунитет ҳосил қилиш зарур.

Эндилдикда, “Мактаб – ота-она – маҳалла” занжири асосида электрон мулоқот платформаси ишга туширилади, ёшлар ўртасида оммалашган ижтимоий тармоқлар таҳлил қилиниб, зарарли таъсирлардан ҳимояланмиш ва ижобий томонидан фойдаланиш чоралари кўрилади, шунингдек, ота-оналар учун фарзанд таълим-тарбияси бўйича халқчил тилда қўлланилган тайёрланади. Бу ташаббуслар йўлга қўйилса, Президентимиз таъкидлаганидек: “Мактаб таълими бўйича ота-онада масъулият, ўқитувчида мажбурият, ўқувчида ишонч, таълим ва тарбияда сифат, маҳаллада эса назорат бўлади”.

Аскаралӣ ОДИЛОВ,
Боёвут туманидаги 2-мактаб директори

Етти хазинанинг бири ҳисобланмиш паррандачилик Самарқандда жуда яхши ривожланган. Мустақилликнинг илк йилларида барча завод ва фабрикалар тақа-тақ тўхтаган, озиқ-овқат масаласи одамларни ўйлантириб қўйган палларда эди. Жомбой туманида балқиччилик ҳўжалиги ташкил этиб, тadbirkorлигини йўлга қўйдим.

ҲАЛОЛ ИШЛАГАН КАМ БЎЛМАЙДИ



Интилиш ва хоҳиш инсон учун ҳар доим ютуқларга гаров бўлиши тайин. Юртимиздаги тинчлик, имкониятлар майдони мени катта марраларга чорлади. Шу боис, 1996 йилда мамлакатда биринчилардан бўлиб 72 миң бош парранда билан соҳага ихтисослашган фермер ҳўжалигини ташкил этдим. Ўн тўрт йил туҳум етиштириш билан шуғулландик. Шундан сўнг, 2010 йилга келиб, насли парранда парваршига қўл урдик, озқасини ишлаб чиқардик. Ҳозирда парранда гушти ҳамда витаминларга бой озқасини ҳам тайёрлаёмиз.

Экспорт масаласига келсак, маъ-

сулотларимиз Саудия Арабистони, Россия, Хитой, Афғонистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбойжон давлатларига жўнатилаётган бўлса, йилига 700 тонна майизимизни Европа давлатлари, айниқса, Германия ва Франция севиб харид қилади.

Бугунги кунда ишчиларимизнинг кўпчилиги Президентимизнинг “Камбағалликни қисқартиришда тadbirkorлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тadbirkorлар тўғрисида”ги фармони асосида “20 миң тadbirkor – 500 миң малакали мутахассис” дастури доирасида ҳамкорлик шарт-

номаси асосида ишга қабул қилинган. Устоз-шоғирд аънанасига биноан малакали мутахассисларга бириктирилган.

Ҳўжалигимиз ихтиёрида 119 гектар майдон бўлиб, замонавий усулда узумзор барпо этилган. Арготехник

тadbirkorларнинг барчаси техникалар ёрдамида бажарилади. Кластер усулидаги боғдорчиликнинг афзаллигини шундаки, эски усулда ҳар гектар ерга миң туп кўчат экилган бўлса, янги усулда тоқлар шпалерда кўтарилиб, туп сонини гектарига 1 650 турга etkazиш имконини беради.

Истиқлол имкониятлари беҳисоб. Ниятларимиз улкан, аграр соҳани ривожлантириш, юртининг иқтисодий кудрати ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда камарбаста бўлиш. Бу юртда ҳалол ишлаган, яшаган инсон ҳеч қачон хор бўлмайди ва эл учун қилаётган меҳнатинг бесамар кетмайди. Жумладан, менинг ҳам арзимас хизматларим қўллаб муқофотларга лойиқ кўрилади: “Меҳр-саховат”, “Илғор фермер”, “Фаол тadbirkor” кўкрак нишонлари, “Дўстлик” ордени...

Озод юрт учун, улуг мустақиллик учун ҳар қанча заҳмат чексак кам. Бор билимимиз, куч-қудратимизни шу Ватан тинчилиги ва ривожини учун бахшида этмоқда қамиша тайёрмиз.

Ҳайдар ЎРОҚОВ,
Самарқанд вилоят Тadbirkorлар жамоатчилик маслаҳат кенгаши раиси,
“Navobod nasli parранда” фермер ҳўжалиги бошлиғи



ОЙНА

Инсонга тирик жон ўлароқ доимо соғлом юриши учун бутун умри давомида тиббий доридармонлар ҳамроҳлик қилади. Ҳозирги тиббиёт тизимида бу боғлиқлик ҳали туғуруқхонадан бошланиб, умр поёнигача давом этади. Қисқаси, бирор бандга “Умримда дорихона эшигини ҳатлаб ўтмаганман”, деб айта олмайди.

...Йил бошида қон босимим кўтарилди. Бироз муолажадан сўнг шифокор жияним тавсия-сига кўра, ҳар куни нонуштадан сўнг “Amlessa” таблеткаси ичишга одатландим. Бу дори қон босимини метёрда сақланишига кафолат экан.

Ана шу ҳақдорини илк бора қабул қила бошлаганимда туманимиз марказидаги дорихонадан 85 минг сўмга (бир қуттида 30 дона) олувдим. Кейинги ой шу ҳудуд-



ТАЪЛИМ ва АМАЛИЁТ

БОЗОР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА БЎЛСАГИНА ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Янги Ўзбекистоннинг бош мақсади – жамиятда ҳамжиҳатлик ва барқарорлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш, ҳар бир фуқаронинг овоз ва эркин ҳаёт кегириши, бугундан рози бўлишини таъминлашдан иборат. Мустақиллигимизнинг 33 йиллик тантаналарини айнан “Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак Ватанмиз!” деган шior билан нишонлаётганимиз ҳам ана шу ғоялар остида бир куч бўлиб бирлашишга чорлашдан иборатдир.

Шу боис аҳолимизнинг кўп қисмини ташкил этувчи ёшларимизнинг тақдирини ва келажагини бугун доимгиданда эътибор қўйиб кўришимиз керак. Уларнинг илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратилиши керак. Инновация маркази ҳамда технопарклар ташкил этилмоқда.

Мухандислик соҳаларида кадрлар тайёрлашнинг замонавий усуллари жорий этиш мақсадида Президентимиз 2024 йил 20 июнь кuni “Inpo” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркига қилган ташрифиди чоғида ҳам айнан олий таълим муассасаларидаги илмий изланишларнинг ҳаётийлиги ва самардорлигига аҳамият бергани бежиз эмас. Учрашув чоғида таълимга қаратилаётган эътибор илм-фан ютуқларида ўз ифодасини топиши кераклигига алоҳида урғу берган эди. Қолаверса, мухандис кадрларга эҳтиёж кундан кун ортиб бораётган бугунги кунда техника йўналишидаги кадрлар тайёрлаш масаласи талаб даражасида эмаслиги, тизимдаги камчиликларни қаттиқ танқид остига олганди.

Хусусан, юртимиз олий ўқув юрларидаги дастур ва мутахассисликлар ишлаб чиқарувчилар талабига мос эмаслиги, оқибатда мухандисларнинг 60 фоизи ўзи ўқиган йўналишларда ишлаган бўлса, юзлаб стартап ва инновацион лойиҳалар қоғозда қолиб кетаётгани, натижа бермаётгани, эскирган лабораториялар, амалиётдан узилишлар, қорхоналар билан алоқаларнинг яхши йўлга қўйилмаганини куйиб гапирган эди.

Президентимиз ўз навбатида соҳада қилиниши шарт бўлган янгиликлар ҳақида ҳам тўхталиб, илғор тажрибаларни техника йўналишида қўллаш кераклиги, бунинг учун ҳар бир олий ўқув юрти ривожланган давлатларнинг ўқув юрлари билан илмий ҳамкорликни, қорхоналар билан алоқаларни яхшилаб, дуал таълимни жорий этиши кераклиги, Тошкент давлат техника университети эса бу жараённи бошлаб бериши жоизлиги кўрсатиб ўтилганди.

Ушбу топириқларидан келиб чиқиб, университетимиз билан йирик ишлаб чиқариш қорхоналари ва таъкилотларини ҳамкор сифатида бириктириш жадвали ишлаб чиқилди. Янги ўқув йилдан бошлаб университетимизда хоржий таълим асосида меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, оптималлаштирилган бакалаврият таълим йўналишлари ва

магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ҳамда университет дастурларини Дрезден техника университети (Германия) ва Нагоя университети (Япония) дастурларига мослаштирилишини таъминлаш бўйича амалий ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, янги 2024-2025 ўқув йилидан бошлаб таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ўқув режаларига таннарх мухандислиги, қислаш мухандислиги, қайта муҳандислик фанлари киритилди. Мухандислик олий таълим муассасаларига бириктирилган қорхона ва таъкилотлар билан ҳамкорликда таълим йўналишларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқув жараёни бошқичма-бошқич дуал таълим тизими асосида ташкил қилинади.

Буларнинг барчаси нафақат ёшларимизнинг истеъдодини кучайтириш, балки бозор талаблари асосидаги таълим ва амалиёт уйғунлигини таъминлаб, тараққиётимизни янада юксалтиришга хизмат қилади.



Рухбар **ХОЛИҚОВА**,
Тошкент давлат техника университети
профессори,
тарих фанлари доктори



“ИНГИЧКА” ДАН ЭНГ СИФАТЛИ МЕТАЛЛ ЧИҚАДИ

**Самарқандда “Ингичка”
вольфрам кони борлигини
кўпчилик билади. Лекин бу
кимёвий элементнинг нималарга
қодирлигини ҳамма билмас**

“Ингичка” бойитиш фабрикасининг иккинчи навбатини ишга тушириш таъбирида Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон технологик металлургия комбинати масъуллари, Самарқанд вилоят ҳокимлиги вакиллари ва ОАВ ходимлари иштирок этди. Айтиш керакки, фабриканинг биринчи бошқичи 2022 йилда ишга туширилган бўлиб, йилга 100 тонна вольфрам концентрати олинади. Иккинчи бошқичининг фаолият бошлаши натижасида йилга 185 тонна шундай маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бунда кўшимча маҳсулот ҳажми 1 624 млрд сўмини ташкил этади.

Ишчилар асосан шу ҳудуд аҳолиси бўлиб, жами 120 нафар. Аксарияти тажрибали мутахассислар.

– Бу ердан ўтган асрнинг 70-йилларида руда қазиб олинган, – дейди кон ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Фарҳод Шоназаров. – Кейинроқ, яъни 1992 йил-

дан 2022 йилгача ишлаб бўлинган рудалар чиқинди сифатида тўпланиб қолган, қайта фойдаланилмаган. Бугун айнан чиқиндиларни қайта ишлаш энг долзарб масала. Асосий вазифа – уларни қайта ишлаб вольфрам олиш. Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида биринчи бошқични ишга туширдик. Маҳсулотларнинг 95 фоизи экспорт қилинмоқда. Харидорларимиз Германия, Нидерландия, Япония. Бу ноёб кимёвий элементнинг шундай хусусияти борки, уч ярим минг градусда ҳам ўз хусусиятини йўқотмайди. Бундан қаттиғи эса фақат олмосдир. Шунингдек, радиотехника, асбобсозлик, яна йирик заводларда темирни кесувичи қисми вольфрамдан ишланади. У зичлиги ҳўсо-бига бошқа ҳамма металл кесиби, ишлов бера олади. Лекин вольфрамни ҳеч нарса кеса olmayди.

Ҳозир йилга 400 минг тонна маҳсулот қайта ишланмоқда. Мутахассиснинг изох беришича, макур кимёвий элемент дунёнинг санокли давлатида учрайди, лекин “Ингичка” вольфрамини тозаловчи жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради!

Мухаббат **РАВШАНОВА**,
“XXI asr” мухбири

У ЧАКАНА+ ЎТАЛ= ЎНТАК

ЁХУД ДОРИ-ДАРМОН НАРХЛАРИ ҚАЧОН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ?

даги бошқа бир дорихонадан 75 минг сўмга харид қилдим. Кейинги гал қишлоғимдаги дорихонадан 105 минг сўмга тушди. Шу йил ёз ўрталариде ёзувчиларнинг Дўрмон ижод уйида дам олганимда Қўрай шаҳарчасида худди шу дори 120 минг сўм эканини айтишди.

Яна денг, юрак фаолиятини яхшилайдиган “Кардиомагнил” деганидан ҳам қўни бир донадан ичиб ўхлайман. Юз донаси кичкина шиша идишда тургувчи бу қўриб кетгўр дорининг Боғот тумани маркази, қишлоғимиз ва пойтахтдаги баҳоси турлича: яъни 65 мингдан 95 минг сўмгача!?

...Ўтган йили қиш бошида олти-миш яшар қўшнимиз буйрак етишмовчилиги хасталиги билан даволанаётган вақтда кутилмаганда туман шифохонасининг жонлан-тириш бўлимига ётқизилди. Икки кундан сўнг шифокорлар умид йўқлигини айтишди. Бу ноҳуш хабардан сўнг инилари қаёр тиклаш ташвишига тушишди (Қўшнимиз эҳтиёжманд оила сифатида “Темир дафтар”да турарди). Аммо кутилмаганда умид пайдо бўлди.

Касални кўрган шифокор жияним қандайдир томчи доридан учтани таваккал қилиб бемор организмга юбориб кўришни айтибди. Хастахол одам ёнида бўлган қариндоши ҳалиги дорини ишлабди. Бир дорихоначи маслаҳат берибди: “Бизда аввал борибди, Урганчдан обкелиб сотардим. Лекин нархи қимматлиги учун кўпчилик олмади кўйишди. Вилоят марказидаги бир дорихонадан сўрайсиз”. Уларда бир донаси 350 минг сўм туришини, бу ёқда эса устига юз минг қўшиб сотганини очик айтибди...

Бундай пайтда ҳеч қимнинг кўзига пул кўринмайди, аксинча, қарз-хавола қилиб бўлса-да, ўша дорини топиш шарт. Хуллас, ҳалигилар ҳар ёққа югура-югура бир жойдан донасини 850 минг сўмга, Ҳазорасп марказидаги дорихонадан икки донасини 600 минг сўмга олишибди. Худонинг марҳамати билан муолажалар фойда берди: қўшним етти кун деганда обёққа турди!

Мен бежиз бу дорилар ўртасидаги еру осмонча тафовутни келтирмаяман. Тасаввур қил-яписизми, битта дори деярли уч баравар қимматига сотилмоқда. Ваҳоланки, ўша дорихоналар деярли ёнма-ён жойлашган. Нима, бу матоҳларни қимдир чет элдан самолётда, яна биров эса азим Тошкентдан енгил машинада олиб келаятими?

Ўтган ҳафта кўрган дорисиз,

расмий сайтларда ушбу хабар тарқатилди: “...Рақобатни ривож-лантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси республикаимизда фаолият юритаётган дори воситаларини улгуржи ва чакана сотиш фаоли-яти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан дори воситаларининг нархлари бўйича ўрганишлар олиб борганда белгиланган устамаларни ошириб кўллини ҳолатларини аниқлади.

Кўмитанинг “Fair tech” ягона ахборот тизими орқали келиб тушган хабарлар бўйича текшириш ўтказилганда 473 та дорихонада (133 та улгуржи ва 340 та чакана) ҳуқуқбузарлик ҳолати юзага келгани маълум бўлди. Ўрганишлар натижасида 49 455 та ҳолатда 5.4 миллиард сўмга яқин асоссиз даромад олинганини аниқланиб, истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилинди ва истеъмолчиларнинг номуайян доира-си ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилди...”

Уша хабарда бу борада Тошкент шаҳри, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида фаолият юри-таётган дори воситалари билан савдо қилувчи улгуржи ва чакана хўжалик субъектлари энг кўп “ҳуқуқбузарлик ҳолатлари” содир этганлиги рақамлар билан келтирилган, яъни бу ҳудудларнинг ҳар бирида истеъмолчилардан бир миллиард сўм атрофида пул ор-тиқча олинган. Бундай қинғирлик боёбда “энг ҳалолроғи” хоразмлик дори сотувчилар бўлиб чиқибди: яъни улар беморлар ҳақидан бор-йўғи 10 миллион сўм уриб қолиш-ган эмиш...

Эътибор берган бўлсан-гиз, кўмига ягона ахборот тизимига келиб тушган хабарлар (шикоят)ларни ўрганиш жараё-нида хўжалик юритувчи субъект аталаётган дори савдогарлари ҳуқуқбузарликларини аниқлаган, ҳолос. Хўш, салкам эллик минг на-фар фуқаро ўзлари харид қилган дори воситалари нархларидан гу-монлангани бўйича мурожаат қи-лишган экан, қолган сукут сақлаб юрган миллионлаб харидорлар ҳақидан ҳам қанчадир миқдорда уриб қолишган бўлиши ҳам му-мкин-ку, деган савол пайдо бўла-ди. Масалан, менинг ўзим битта таблеткага турлича нарх қўйил-гани бўйича бирор жойга мурожаат қилмадим. Сабаби, бу дориларни бир сафар нақд пулга, яна бир са-фар пластик орқали харид қилган-ман. Норози бўлиб мурожаат қил-ганим билан ҳақлигимни қандай

исботлардим?

Тан олайлик, ахир, аксария-тимиз шифокор ёзиб берган дори-дармонлар топилганига хурсандимиз. Яна бир ачинарли томони, кўпчилик уларнинг нархи қанчалигини ҳатто билмайди ҳам. Шунинг учун ҳам ҳар хил бўлиб ёт-ган нарх-наволарга қизиқишмай-ди.

Бу борада ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиганлар юзтадан бит-та чиқар, бўлмаса, йўқ!

Юқоридеги текширувнинг ўзиёқ бу тизимда “қозончининг эрки бор – қайдан кулоқ чиқарса” деган отасўзимиз ҳамшиа амали-ётда эканини кўрсатмайдими?

Масаланинг оғрикли нуктаси, юқориде айтилмиш “ҳуқуқбузар-лик”ка (аслида бировнинг ҳақиқа хиёнат қилиш шунчаки ҳуқуқбу-зарлик эмас, балки ўғрилиқ ка-би жиноий иш деб малакаланиши керак эмасми?) замин яратаётган асос бор. Юқориде айтганим мен харид қилган ҳар икки дори қўти-си ёрлиғида нарх кўрсатилмаган. Дорихоначи оғзаси айтди ҳолос. Аслида аксар дори-дармонлар-нинг нархи ёзиб қўйилмайди. Баъзи кутилардаги ёзувлар кўри-нар-кўринмас.

Ҳозир бошқа савдо соҳалари каби дори воситалари тармоғида ҳам улгуржи хўжалик субъектлари томонидан чакана савдо нуқта-ларига етказиб бериш хизмати ишла-япти. Бизнинг қишлоқ маркази-даги дорихонага қирган маҳалим “Дамас” машинаси дорихона учун бир талай қўтиларни келтирди. Юқорини қўлидаги ҳужжатга асо-сан бирма-бир санаб қабул қилиб олаётган фармацевтдан “Етказиб бериш” хизмати қаерда жойлаш-ганини сўрасам, вилоят марказида эканилигини айтди. Демак...

Дори-дармон савдоси билан машғул хусусий дорихоналар эга-лари бугун пойтахтга қатнаётгани йўқ: уларга керакли исталган юки вилоятдаги улгуржи савдо ташки-лотлари етказиб берапти. Бу ҳам қўлай, ҳам энг арзон усул. Айнан шундай тизим ишлаётгани сабаб чакана савдо нуқталари дори-дар-монларга (етказиб бериш оралиқ масофаси узоқ-яқинлигига қараб) 10 фоиздан 20 фоизгача устама қўйишлари мумкин. Бу устама ча-кана савдо нуқтаси эгасининг ҳа-лол ҳақи. Шу ҳисобдан давлатга солиқ тўлайди, ўз меҳнати учун даромад топади.

Шундай деймиз, нега унда бир дорининг баҳоси вилоят мар-казида ҳам, энг чекка қишлоқда ҳам деярли бир хил. Етказиб бе-

риш масофаси бир қадам бўлган марказда сал арзон бўлиши керак эмасми?

Биламизки, дори-дармонлар баҳосидаги катта-кичик тафовут-лар ОАВ ва ижтимоий тармоқлар-да фуқаролар ўртасида энг кўп норозиликларга сабаб бўлаётган мавзу. Одатда бундай чиқишлар-дан сўнг тезкор тарзда “...ўрганил-ди... чора кўрилди... такрорлан-маслиги олди олинди” тарзидаги расмий муносабат билдирилади, аммо “чакана + чўтал = чўнтак” операциялари тўхтамайди.

Муаммонинг ечими қаерда?

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан аксар дори-дар-монларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бу борадаги ислохотлар самараси ўлароқ фармацевтика тизимида кластерлар ташкил қилинди. Де-мак, “Ўзбекистонда ишлаб чиқа-рилган!” деб номланган ёрликлар остига бу маҳсулотларнинг аниқ нархини ёзиб қўйишни ҳам қо-нуний ечим ҳақида ўйлаш фўр-сати етди. Ишлаб чиқарувчилар дори-дармонни кўтара олиб, уни чакана савдо нуқталарига етказиб берувчи улгуржи савдо ташкил-отлари ўзларининг хизмат кўрсатиш ҳақлари, яъни устамани кўрсат-ган ҳолда ўзидан қичувчи нархни таъғаси билан дори-дармон қўти-сига босса, ўз навбатида чакана савдо нуқтаси ҳам шу йўсин охи-ри баҳони ўз таъғаси билан кўр-сатса, тамом, ҳаммамизни йиллар давомида қийнаб келаётган му-аммо ўз-ўзидан ечим топажак! Ўз навбатида хориждан келтирила-ётган дори-дармонларга ҳам ушбу тартибни жорий этиш ўз-ўзидан ҳеч қандай қийинчилик туғдир-майди. Ана шунданга харидор-лар “Бу дорингиз қанча туради?” дея овоза бўлиб дорихоначига илтижови термулмайди. Аксин-ча, ёрликда аниқ кўрсатиб қўйил-ган пулни тўлаб, кўнгли хотиржам тортади.

Ўз навбатида халқимиз ишо-ниб овоз берган Қонунчилик па-латаси депутатлари ҳам бу соҳа-га бевосита тегишли қонунлари тезроқ тайёрлаб, қабул қилсалар жамиятдаги энг оғриқли муам-молардан бирига айланган, яъни неча юзлаб, миңлаб беморлар-нинг риққ-насибасини қийиш эва-зига ноқонуний даромад топаёт-ган баъзи каззоблар фаолиятига нуқта қўйишлари мумкинлигини ҳам унутмайлик.

Рўзимбой **ҲАСАН**,
“XXI asr” мухбири



ШАРАФЛИ МЕҲНАТИНГИЗ ҚАДР ТОПДИ, ШАРОФАТ ОПА!

...2024 йил 20 август. Қорақалпоғистон Республикаси.

Президентимиз ташаббуси билан 2021 йилдан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Тадбиркорлар кунининг навбатдаги очик мулоқоти Оролбўйида ташкил этилди. Албатта, учрашув манзили ўзгаргани бежиз эмасди. Чунки кейинги йилларда ушбу шимоллий ҳудудда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шу маънода

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий қатлами-электорати вакиллари бўлиши тадбиркорлар учун ҳам кенг имкониятлар очилганидан барчамиздан хабардоримиз.

Яна бир эътиборли жиҳати, Нукусда давлатимиз раҳбари иштирокидаги учрашувда барча ҳудудлардан 300 га яқин тадбиркор ва инвестор, шунингдек, хорижда ўз бизнесини йўлга қўйган қирқдан ортиқ ўзбекистонлик иштирок этди, мингдан ортиқ бизнес вакиллари ҳудудий студияларда ҳам бевоусита кузатиб туришди.

Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар иштирокидаги ушбу тарихий мулоқотнинг беқисс аҳамиятини шундай изоҳлаган эди: "Қорақалпоғистонга инвестиция киритиб, бизнес қилишнинг бошқа ҳудудларга нисбатан 3 та устунлиги бор. Биринчиси – Қорақалпоғистонда бизнес учун бирорта ҳудудда йўқ 50 дан ортиқ имтиёзлар пакети қилиб берилган. Иккинчиси – Қорақалпоғистонда ер ажратишнинг содда тизими жорий этилган. Учинчиси – катта бозорларга чиқиш учун энг қулай ҳудудимиз, бу – Қорақалпоғистон".

Уша куни Президент яна бир ажойиб тақлиф, яъни "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисидаги тақлифни ўртага ташлаганида ҳаммининг боши осмонга етганини таърифлашга сўз охирикчи қилади.

Шу орада мазкур унвонни таъсис этиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 27 августдаги мажлисида қабул қилиниб, қонун Сенат томонидан маъқулланган, 30 августда эса мазкур қонунни Президент тасдиқлади.

Очиги, мамлакатимизда илк бор таъсис этилган бу юксак унвонга эриш фаол қатлам вакиллари орасидан ким сазовор бўлар экан, деган умидбахш савол кўпчилигининг кўнглида бор эди. Энг улўғ, энг азиз байрамимиз – Мустақилликнинг 33 йиллик қўлтўғ байрами арафасида Президентимиз фармонида бинаоан Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги "Гулчи опа томорқа хизмати" кластери раҳбари Шарофат Нориевага "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор" фахрий унвони берилди!

Айтсак ишонмайсиз, ўша куни бу-

тун Жиззахда байрам бўлиб кетди ўзиям! "Эшитдингларми, "Гулчи опа" бўларди-ку, шу аёл тадбиркорлар ўртасида биринчи бўлиб энг катта унвон соҳиби бўлибди" деган хуш хабарлар бир неча кун янграб турди.

Шахсан мен Шарофат опанинг савобли ишларини кўп бора ёритиб келаётган бир қаламқаш сифатида айтишни керакки, бу шарафли унвон ҳақиқий маънода ўз эгасини топибди. Негаки, бу жонқуяр, фидойи опамизнинг доврўғи нафақат Жиззахда, балки бутун мамлакат миқёсида анча машхур. У фақат гулчилик биланмас, бошқа ўнлаб соҳаларда ҳам катта муваффақиятларга эришадиган номдор тадбиркор. Кўпинча айрим ишбилармон, бизнес соҳаси вакилларининг ўз рақобатчиларидан сир тутадиган иш усуллари бўлади. Лекин бу соддадил опамиз табиатан ўзгаларга ёрдам қўлини чўшишга ошиқадиган инсонлардан бири бўлгани учунми, қайси соҳада фаолият олиб бормасин, уни кўпчиликка ўргатишга, иш тажрибаларини оммалаштиришга уринади.

Бугун номи эл аро танилган Шарофат опа Жиззахлик Эргаш бобо ва Шахринисо момомиз тарбиялаб воғга етказган саккиз фарзанднинг бири. Ёшлигиданоқ мўъжазгина ҳовлида етиштирилган гул қўчатларини бозорга олиб чиқиб, шунинг орқасидан даромад топиб, тадбиркорлик ҳадисини олганини ҳамон хўрсиниб ёслайди.

Бугун айтсак, биров ишонмайди, кичкинагина ҳовлилари торлик қилиб, ҳатто хонадон томини бузиб очиб, ўша ерда ҳам гул етиштирган оиланинг шароити, имконияти обдон ўрганилиб, дастлаб 5 гектар ер майдони ажратилиб, фермерлик фаолиятини бошлашди улар.

Ерга меҳр берсанг, у сенга ана шу меҳрни ортиғи билан қайтаради, деганлариди рост экан. Утган йиллар давомида Шарофат Нориева раҳбарлигидаги "Холмўминов Зоҳид" кўп тармоқли фермер хўжалиғи фаолияти янада кенгайди. Ниҳоят "Гулчи опа томорқа хизмати" кластери МЧЖ ташкил этилди.

Аслида тадбиркорлик ҳам катта иқтидор талаб қилар экан. Аввалига кўп тармоқли фермер хўжалиғи, сўнгра ёшлар кооперацияси фаолиятини йўлга қўйди. Томорқачиликни ривожлантириш мақсадига Шароф Рашидов туманидаги "Олмачи" маҳалласидаги хонадонларда кичик иссиқхоналар барпо этишга киришилди. Эътиборли томони, мазкур хонадонларда иссиқхона фаолиятини йўлга қўйиш мақсадига гул қўчатлари, уруғлик бепул тарқатилди. Етиштирилган маҳсулотларни шу ернинг ўзиде сотиб олиш йўлга қўйилди. Томорқачилик билан шуғулланаётган оилалар рўзғорига барака қилди. Аёлларни касб-хўнарга ўқитиш мақсадида "Агробанк" АТБ филиали билан ҳамкорликда ўқув кур-

си йўлга қўйилди. Мазкур ўқув курсида ҳозир 22 та йўналиш бўйича машғулотлар ўтказилмоқда. Бу ерда анъанавий сабзавот ва кўкат, гул етиштиришдан тортиб, кулпнай, кўзиқорин каби сердаромад саналган ўнлаб йўналишларда билим ва кўникмалар берилди. Марказда билан ва кўникма олган аёлларга, тижорат банклари томонидан уч йўналишни ўз ичига олган энг кам миқдори 5 миллион сўмгача бўлган молиявий хизмат пакетлари тақдим этилмоқда.

Шунингдек, кластер қошида бир қанча иссиқхоналар, биогомум ўғит тайёрлаб бериши, АКФА эшик ромлари тайёрлаш ҳеҳи, бир нечта охвотларни ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда Шарофат опа раҳбарлик қилаётган жамоада 114 нафар доимий ва 250 дан ортиқ мавсумий иш ўринлари яратилган.

Энг қувончлиси, бу ибратли оилага ҳаммининг ҳаваси келади. Аҳил, иноқ, меҳнатқаш. Барча хайрли ишлар бамавасулат амалга оширилади. Шарофат опанинг савобли амалларидан яна бири, Меҳрибонлик йўлида тарбияланаётганлар танлов асосида оилаларга бериладиганга у икки нафар болани қарамоғига олмоқчи эди. Қайда, оналик меҳри йўл бермади, укаси билан келишиб, 15 болани уйига етаклаб келди. Бу алоҳида мавзў...

Юртдошларимизга ҳаёт сабоқларини улашиб келаётган Шарофат Нориевани ҳали бирор кун тинчгина дам олиб ўтирганини кўрганми йўқ. Ҳар куни неча ўнлаб оилаларга кириб чиқайди, йиғин-тадбирларда қатнашайди ва яна ўзининг қадрдон жамоаси аъзолари хузурига шошилади.

– Президентимиз томонидан камтарин ва оддий меҳнатларим шу даражада қадрланганидан бошим осмонга етди. Айниқса, биринчи бўлишдек улкан масъулият ҳисси, албатта, менга ўзгача руҳ, қанот бағишлайди, – дейди О'зЛиДеРнинг Шароф Рашидов туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати, "Шуҳрат" медали ва "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳибаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор Шарофат Нориева. – Минглаб тадбиркорлар орасида менинг бу юксак унвонга лойиқ кўрилганини, янада улканроқ масъулият юклайди. Бу фақат мениннг ўзим ёки оилам, хўжалигим учун эмас, балки юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиғи учун фидойилик намуналарини кўрсатиб ишлаётган барча сафдошларим, тадбиркор ва ишбилармонлар, партиядошларим меҳнати қадрланаётганининг исботидир. Озод ва обод мамлакатим, она Ватаним учун бор билим ва куч-қудратимни аямайман!

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, "XXI asr" мухбири



"АРТЕЛ" ЖОН, АЛДОВЛАРИНГ ТУГАР ҚАЧОН?!

Бир ой аввал, жазирамага сира чидаб бўлмаётган кунларда ўзимизнинг миллий ёрлиғимиздан бўлиб деб "Артел" кондиционерини харид қилдик, нақ бир ойлик маошимга. Барака топишсин, интернетдан топганимиз усталар бир зумда келиб ўрнатиб кетишди. Ҳаёт бор экан-ку, жонимиз хузуранди қолди.

Сотиб олманг, яроқсиз, устига устак кафолати ҳам чала-чўлла, деганида ҳамкасбимнинг гапларига ишонмагандим. Мана оқибати. Оддий мисол, компания ўз маҳсулотлари учун берган кафолатида 3 йил бепул сервис хизмат кўрсатилишини ваъда берган, маҳсулот ана шу муддатда талабга жавоб бермаса уни таъмирлаб, яроқли қилиб бериши шарт. Тўғрими?

Ҳе йўқ, бе йўқ, биз келдик, уйда йўқмисиз, кетдик, дея муомала қилиш қайси одоб ё хизмат кўрсатиш маданиятига тўғри келади, айтинг! Маҳсулотини сотаётган маҳал роса мактаган компания вакиллари-ю бурнига ҳода етмайди-ган усталарнинг миждога бўлган муносабатини ўқидингиз.

Хуллас, "Артел"ча сериалининг давомини эшитинг: 13 августда иккинчи марта яна ариза қолдирдим. Тагин беш кун кутишим керакмиш. Бошқа йўли йўқ. Гўёки ўзим айбдордай ялиманан: "Илтимос, усталарингиз сал олдинроқ огоҳлантириб келишингиз..."

Йўқ, келишмади. Охири 5-кунни ўзим ҳалиги сермулозамат оператор хоним билан боғладим. Мужмал жавоб шу: "Хурматли миждо, усталаримиз чақирув навбати билан боришади, кутинг!"

Асабим тамом бўлди. Уйдагиларни сўраманг. Кўча-кўйда ёки ижтимоий тармоқ(қармоқдир балки)ларда кўкларга кўтариб макталган "Артел"дан кондиционер сотиб олганим учун мингдан минг пушаймон қилдим. Бўёғи ёзининг айна чилласи охирида қолди ҳамки, мениннг битта ташвишим юзтага айланди. Энди умидимизни узган чоғимизда, яъни иккинчи бор ариза қолдирганимнинг 10-куниде (!) сервис хизматдан дея икки нафар уста келди. Айтишларича, камчилигини аниқлаш учун кондиционерни олиб кетиб текшириш жоизлиғи, бунинг учун ўрнатиб кетган усталар уни девордан олиб беришлари, сўнг мен қайта ариза қолдиришим...

– Бу муаммолар маҳсулот сифатсизлиғи туфайли юзага келяптими, бундан кейинги барча ҳаракатлар ва ҳаражатлар компания томонидан бажарилиши керак, – дейман ҳақимни талаб қилиб (чунки салкам ярим миллион хизмат ҳақи эвазига кондиционерни ўрнатганларга уни қайта



- Йўқ, ҳаммамиз ишдамыз. – Калитни қўшишга ташлаб кетмаганимиз? – Йўқ, Ҳозир ўзим етиб бораман тақсиде. – Кутолмаймиз, қайтадан "заявка" қолдиринг. Хайр. – Ҳой, шомманг, нега келиш вақтингиз ҳақиде огоҳлантирмадингиз? – Биз огоҳлантирмаймиз. Уйда кимнидир қолдирингизнинг дароқ эди. – 5 кун давомидеми? – Ҳа. – Илтимос, кутиб туринг, ярим соатда бораман. – Йўқ, иш вақтим 18 гача, то сиз келгунигизча ва тузатқунимича иш вақтим ўтиб кетади. Қайта ариза қолдирасиз. – Яна 5 кун кутаманми? – Бўлмасан-чи...

Асабим тамом бўлди. Эртаси куни ишхонада ўтирсам, "Артел"нинг ишонч телефонидан қўнғироқ бўлди. Тагин ўша сермулозамат ходима: "Хурматли миждо, сизни "Артел" компаниясидан безовта қилияптиз. Сиз бизнинг хизматимиздан мамнунмисиз?"

"Йўқ!", "Хизмат бажарилмади-ку?!". Кечаги кўнглисиз ҳолатини айтиб бердим жиғибийрон бўлиб. У ҳам жим эшитди ва...

Хуллас, мамлакат бозориде "етакчилик" қилаётган "Артел" ўз зиммасидеги айрим мажбуриятларни унутган, унинг маҳсулотларини умуман

олиб беришлари учун ҳам яна шунча ҳақ тўлашим керак.

Йўқ, кўнишмади. Пешонага бир уриб, айтганларидек қилдик, олиб кетишди. Энди кўнглимиз... Қолган гап-сўзларни ёзиб ўтирмадим. Юрагим кўтармади. Миждога бу даражада бепишанд, лоқайд муносабатда бўлган хизмати сифатсиз ва мутлақо қониқарсиз компанияни рўйхатидан ўчирдим. Энди бепул бериша ҳам "Артел" товарларини сотиб олмайман!

Айтганча, "бир кун ишлаган" кондиционерга харидор чиқса текинга берворамиз.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, "XXI asr" мухбири

PS: Шу йилнинг қишроғиде эди шекилли, Никита Макаренко деган блогер қайсидир маҳаллий компания маҳсулотини харид қилиб, эртаси куни сифатсиз чиққани ҳақиде ижтимоий тармоқда бонг урганди. Шу куниде ҳақиқатини миждога вакиллари унинг уйига келишиб, роса узр сўраб, бошқа яп-янғисини тантанали равишда топшириб кетишган экан...

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ Бахтиёр ЯКУБОВ Мавлуда ХУЖАЕВА

Дилшод ШОУМАРОВ Сирожиiddин САЙИИД Акшагул ТУЛЕГЕНОВА

Нодир ЖУМАЕВ Шухрат АСЛОНОВ Насимжон АЛИМОВ

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта: xxi_asr@mail.ru

Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел. факс).

Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғи (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиғида) 2011 йил 14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида. А-2 форматиде босилди. Ҳажми – 4 босма табак, Буюртма рақами: Г – 945. Адади: 15227. Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 18:30.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манаб сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи: Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КўРСАТКИЧИ: 406 123456

Навбатчи муҳаррир: Озод РАЖАБОВ